Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 197–198 (6. 686–6. 687) 1988 йил 30 август, сешанба Баҳоси 4 тийин.

Тонгги газеталарда

⊙ 1988 йил 29 август куни Москва вақти билан соат 8 дан 23 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз ТМ-6» космик кемаси учирилди.

Кемани командир — иккинчи марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Владимир Ляхов, тадқиқотчи-врач Валерий Владимирович Поляков ва тадқиқотчи-космонавт — Афғонистон республикасининг граждани Абдул Аҳад Моманддан иборат халқаро экипаж бошқармоқда. Бугун тонгги газеталарда халқаро экипажнинг парвози ҳақида ТАСС ахбороти эълон қилинган.

⊙ «Правда» газетасининг учинчи саҳифасидаги «Республикалар ҳаёти» рубрикали «Ўзгаришлар кўзгусида» сарлавҳали мақолада қардош Эстония ҳақида ҳикоя қилинади.

⊙ «Известия» газетасининг иккинчи саҳифасида берилган «Министрликми ёки концерн?» сарлавҳали мақола газетхонларда қизиқиш уйғотиши мумкин. Мақолада иқтисод фанлари кандидати, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Халқ хўжалиги академияси бошқарув кафедрасининг доценти А. Шамов халқ хўжалигини бошқариш системасини қайта қуриш принциплари ҳақида фикр юритади.

Сўнгги соатда

ТАСС ХАБАРЛАРИ ВА МАРКАЗИЙ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДАН

ЛИССАБОН. Шу йилнинг дастлабки беш йили ичида Португалиянинг савдо-сотиқдаги камомади ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,5 процент кўпайиб, 280,5 миллиард эскудога етди.

Бу ҳақда миллий статистика институти хабар қилди.

БОНН. Европа рок-музика фестивалининг навбатдаги босқичи Баварияда ги Швайнфурт шаҳрида ўтди. Бу ерда тўпланган безорн «оғир рок-музика муҳлислари» бошлаган ур-калтак натижасида юз эллик нафардан кўпроқ одам жароҳатланди, салкам саксон киши қамоққа олинди. Ўнлаб витриналар синдирилди ва автомашиналар дабдала қилинди.

Яқин атрофдаги аҳоли пунктларидан келтирилган 900 га яқин полициячи ҳаддидан ошган музика «мутаассиблари»ни зўрға тинчлантирди. Қамоққа олинганлардан наркотиклар, бир неча пичоқлар, бошқа совуқ қуроллар, нацистларнинг жуда кўп эмблемалари мусодара қилинди.

БУЭНОС-АЙРЕС. Парагвай черкови Лотин Америкаси қитъасидаги энг кекса диктатор генерал Стресснернинг халққа қарши режимини қаттиқ қоралади.

200 нафардан кўпроқ дин ходимлари маъмурларни Парагвай оппозициясини, шу жумладан дин ходимларини таъқиб қилиш ва улардан ўч олишни тўхтатишга даъват этдилар. 35 йилдан буён Парагвайда зўрлик билан ҳокимиятни ўз қўлида ушлаб турган диктатор шаънига танқидий мулоҳаза билдирган диния ходимлари тобора кўпроқ таъқиб қилинаётганлиги черковни ташвишга солмоқда.

Баъзи дин ходимлари полиция томонидан мунтазам таъқиб қилинмоқда, дейилади Парагвай черковининг ахборотида, диктатуранинг оммавий пропаганда органларида уларга қарши қувғин авж олдириб юборилди. Бу хуружларнинг ҳаммаси бир мақсадни — халқни чалғитиш ва парчалаб юборишни, черков фаолиятини ибодатхоналар доирасида чеклашга мажбур қилишни, уни жиноятқор режим хизматкорига айлантиришни кўзда тутади. Ўтган ойда Стресснер охранкаси оппозиция вакилларини кўплаб қамоққа олганлиги Парагвай черковининг қаҳрли норозилигига сабаб бўлди. Қамоққа олинганлар орасида испаниялик диния ходими Де Ла Вега ҳам бор. Маъмурлар уни Стресснер режимига «ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш»да айбладилар, уч кун давомида сўроқ қилиб таҳқирлаганларидан сўнг уни пулсиз ва ҳужжатсиз мамлакатдан чиқариб юбордилар.

МЕХИКО. Ўтган якшанба куни эрталаб мамлакат шарқидаги Веракрус штатида Мексика компаниясига қарашли нефть қувурида чиққан ёнғин натижасида камида 11 киши ҳалок бўлди, ўнлаб кишилар жароҳатланди.

Компания вакили ва Қизил Ярим ойнинг баёнотига қараганда, фожиа қурбонлари орасида компания ишчилари, яқин атрофдаги қишлоқларда яшовчи кишилар бор.

Техникалар қувурдан ёнилғи оқиб чиқишини бартараф этишга уринаётган пайтда ёнғин чиққан.

Ўт ўчирувчилар оловни ўчириш учун икки соат вақт сарфладилар.

ЛУСАКА. Жанубий Африка касаба союзлари конгрессининг юзга яқин активи Жанубий Африка Республикасида забастовка ўтказишни чеклаб қўйиш кучайганига қарши Йоханнесбург марказида норозилик намойиши ўтказиш учун тўпланди. Улар «сиёсий жиҳатдан ишончсиз» деб топилган ҳар қандай кишининг забастовка ҳуқуқини рад этишни кўзда тутадиган меҳнат қонунига тузатиш лойиҳасини бекор қилишни талаб этувчи варақалар тарқатдилар. Намойишчилар Жанубий Африка африкаликлар миллий конгресси раҳбари Нельсон Манделани ирқчилар қамоғидан озод этишни талаб қилувчи даъватларни бараварига такрорладилар. Нельсон Мандела чорак асрдан кўпроқ вақтдан буён турмада азоб чекмоқда. ЖАР маъмурлари африкаликларга қарши полициянинг кучайтирилган наряд-ларини юбордилар.

ВАРШАВА. Польша Бирлашган Ишчи Партияси Марказий Комитетининг кеча якунланган пленумида яқдиллик билан қабул қилинган қарор социалистик янгиланиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, демократиялаштириш ва миллий тотувлик сиёсатини давом эттиришга азму қарор берилганлигини тасдиқлади. Сўнгги пленумларда қабул қилинган қарорларни амалга оширишни тўбдан жадаллаштириш, бу вазифаларни бажариш зиммасига юклинган барча кишиларнинг қатъияти ва изчиллиги, масъулиятни чуқур англаши зарур, дейилади ҳужжатда. Ислоҳотларни амалга оширишни секинлаштириш ҳам, чала-ярим тадбирлар ҳам, сафсатабозлик билан рад этиш ҳам, қонунни бузиш ва бузғунчилик ҳаракатлари ҳам Польша муаммоларини ҳал этмайди. Марказий Комитет мамлакатнинг барча гражданларига, жиҳтимоий гуруҳларга, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг аъзоларига мурожаат қилиб, ноҳуш тенденцияларни тўхтатишга, тангликни бартараф этишга, социал-иқтисодий тараққиёт йўлини очишга қаратилган ҳаракатларни фаол қўллаб-қувватлашга даъват этди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

Қайта қуришда дадиллик керак

«Конференциянинг ўз моҳиятига кўра революцион, демократик муҳити, ушбу анжуманда авж олиб кетган мунозаларнинг амалий руҳи, рўй-ростлиги, камчиликларга муросасизлик, янгиланиш жараёнини муқаррар қилиш йўллари ва воситаларини ижодий қидириш партия йиғилишлари ва конференцияларининг бутун ишига сингиб кетиши керак».

(КПСС Марказий Комитети июль (1988 йил) Пленумининг «Партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар тўғрисида»ги қароридан).

Тошкентдаги 1-пойабзал фабрикасида тўрт йил ичида биринчи марта меҳнат муваффақиятлари ҳақида сўз юритила бошланди. Чунки, ана шу ўтган давр мобайнида планлар бажарилмас, бу эса ўз навбатида ишчилар кайфиятига ёмон таъсир қиларди. Ахир, илғор коллектив ишчисиман, деб кўкрак кериб юриш қаёқдаю, қолоқлар ҳақида гап кетганда, қочгани жой тополмай қолиш қаёқда!

Фабрика партия комитети секретари Ориф Шарипов шу йилнинг етти ойлик кўрсаткичларини бирма-бир санайди: плондан ташқари 209 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқарилди, олинган фойда 280 минг сўмни ташкил этди, меҳнат унумдорлиги плани ошиғи билан бажарилди. Корхона коллективи йиллик планни 9 ойда ўринлатишга аҳд қилган.

— Тўғрисини айтсам, — деди партком секретари, — ошкоралик, демократиянинг ривожлантирилиши ишчиларимизнинг ижодий активлигини оширди, камчиликларни рўй-рост кўрсатиб, муваффақиятларни кўпайтириш имкониятини яратди.

Ишчиларнинг активлиги партия группаларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида, айниқса, яққол сезилди. Коммунистлар ҳисобот даврида қўлга киритилган ютуқларни танқидий таҳлил қилдилар, ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Саид Раҳимов 4-цехнинг партия группасига етакчилик қилади. У Фрунзе район партия комитети аъзоси, Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари нишондори, 8, 9, 10-беш йилликларда бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажарган ташаббускорлардан бири. Шунинг учун ҳам цех дарди, ташвишларини яхши биладо. Группа ташкилотчиси ҳисобот докладида гапни кўп чўзиб ўтирмади, ишга тўғаноқ бўлаётган камчиликларни, эски давр кайфиятларига кескин зарба бериш лозимлигини очиқ-ойдин айтиб ўтди.

— Биздан планларни бажаришимизни талаб қилишади, — деди у, — бу ўзимизнинг виждон бурчимиз эканлигини яхши биламиз. Лекин, талаб қилишдан олдин цехдаги аҳволни яхшилаш керак-ку. Ўзингиз ўйланг, бундан ўттиз йил олдин яратилган техника ҳозирги давр эҳтиёжларини қондириши мумкинми? Ўзи бусиз ҳам меҳнат унумдорлиги кўнгилдагидек эмас.

М. Тюряева — мастер:

— Ҳозир харидорларнинг диди жуда нозик. Сифатсиз маҳсулотларимиз билан уларнинг ихлосини қайтаришимиз яхши эмас, албатта. Мен фабрика маъмурияти сифатга алоҳида эътибор беришини талаб қиламан. Корхона обрўйи, шуҳрати учун биргалашиб курашишимиз лозим.

Қ. Шомирзаев — ишчи:

— Илгари социалистик мусобақа расмиятчилик учунгина ўтказилишини яхши билардик. Афсуски, қайта қуриш даврига келиб ҳам бу соҳада янгилик яратганимиз йўқ. XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ошкоралиги ривожлантириш тўғрисида резолюция қабул қилди. Бизда ўтказилаётган мусобақада эса ҳамон ошкоралик етишмайди, юзхотирчиликка, андишага боряпмиз. Камчиликка, бракка йўл қўйган кишиларни енгилгина койиб қўйсак, эртага ўзимизга қийин бўлади. Бундан ташқари, икки-уч йилдан бери партия сафлари ўсмаяпти. Янги сайланадиган партия группаси бу масалага алоҳида эътибор бериши лозим. Чунки, цехимизда коммунистликка муносиб кишилар кўп.

Н. Моисеев—мураббий ишчи:

— Фабрикамизнинг келажаги биз бугун тайёрлайдиган малакали ишчиларга, уларнинг касб маҳоратларига боғлиқ. Менимча, мураббийларнинг обрўйини янада оширишимиз керак. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида мураббийларнинг ҳам ҳисоботини тинглаш, муҳокама қилиш лозим, деб ўйлайман.

Ориф Шарипов корхонада ишчи кучи етишмаяпти, деди. Масалан, шу кечакундузда 250 одам керак. Хўш, маъмурият, партия комитети бу муаммони қандай ҳал этмоқда?

— Биз Акмал Икромов районидаги ҳунар-техника билим юртида махсус цех очмоқчимиз, — деди партком секретари, — бу ерда ўқувчилар ҳам бизнинг буюртмаларимизни бажаришади, ҳам назарий билимларини мустаҳкамлашади. Шунингдек, 116, 177-ўрта мактаблар қошида ҳам ана шундай цехлар очдик.

9-цех партия группасида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида малакали ишчилар етишмаслиги оқибатида рўй бераётган қийинчиликлар тилга олинди, қолоқлар танқид қилинди.

— Пойабзалларнинг тагликларини 2-, устки томонини эса 3-цех ишчилари тайёрлайдилар, — деди ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан ишчи Ғозибой Отабоев, — кўпинча уларнинг бир маромда ишламасликлари туфайли бекор туриб қоламиз. Партия группаси бу масалани оқилона ҳал қилиш йўлларини излаши зарур.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида партия группаси ташкилотчилигига Ғозибой Отабоев сайланди.

Партия группаларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ниҳоясига етиб, цех партия ташкилотларида бошланди. Йиғилишларда айтилган гаплар, билдирилган мулоҳазалар, таклифлар билан танишар эканмиз, қатъий тўхтамга келдик: Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг революцион руҳи корхона коммунистларини оёққа тургизмоқда, уларни янгичасига ишлашга даъват этмоқда.

Э. ҚОСИМОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

ЗАМОНДОШИМИЗ

Тарихни сўзлатаётган аёл

Хотира. Кўҳна тарих саҳифалари. Не-не тилсимлар шоҳиди бўлган сарғайган варақлар. Ўни келгуси авлодларга ҳақиқат сабоқларини эстафета дейиш мумкин. Шодликларимиз — ёруғ кунлар ҳам, ташвишларимиз — оғир кунлар ҳам тарих қатида.

Галина Николаевна буни чуқур ҳис этади. У тарихга тез-тез хаёлан мурожаат этибгина қолмай, ўша тарих зарварақларига — социалистик ғалабаларимизни бунёд этган миллионлаб кишилар яратган тарих солномасига нозик қўлларини уришга ҳам журъат этади. Ҳа, ҳар кун, ҳар соат журъат этади! Нега дейсизми? Хизмат тақозоси билан шундай қилишга мажбур. Йўқ, буни аллақандай мажбурият тақозоси билан эмас, олий бурч, фахр, ўз Ватани учун юксак ғурур туйғуси билан қилади.

У Москвада яшарди. Кунлардан бирида (1959 йилда) уни Ўзбекистон ССР Марказий Давлат архивига ишга таклиф этиб қолишди. Иссиққина ўрнини ташлаб, бу ерга келишга уни нима мажбур қилди экан? Албатта, яна ўша юксак бурч, тарих олдидаги масъулият деб бемалол жавоб бера олади. Шундай қилиб Галина Николаевна энг нозик ва ўта масъулиятли иш — тарихий ҳужжатларни кўз қорачиғидек асраб-авайлашни таъминлаш лабораториясига реставратор-таъмирловчи бўлиб келди.

Мамлакатимизда бошланган революцион жараён—қайта қуриш тарихни одилона баҳолашга, ҳақиқатни тиклашга, ўтмишдаги ҳар қандай ноҳақликлар очилишига, яъни тарих қатида чанг босиб кетмаслигига ундамоқда.

— Бизда бугунги кунда мамлакат матбуотида халқимизга мутлақо қоронғи бўлган тарих саҳифалари очиб кўрсатилмоқда, — дейди у.

Дарвоқе, шундай! Ўсма кетар, қош қолар деганларидек, тарихдаги ҳар қандай ноҳақликлар қайта қуришнинг ўткир прожектори нурлари остида халқ оммасига ошкора қилиняпти. Буюк ҳақиқат — ёркин келажак йўлида ким жон фидо қилгану, юрак бағрини берган, ўз ҳузурҳаловатидан кечган бўлса улар бугун халқимиз ардоғида!

Тарих бизга ажойиб сабоқ ҳамдир. Халқимиз ким яхшию кимлар эса ёмон бўлганини билиб қўйгани яхши бўляпти. Бирни кўриб фикр қил, деб бежиз айтмаган халқимиз.

Ўз ишига меҳр, тарихий ҳужжатлар олдидаги масъулият, заргарлик даражасидаги нозик иш Галина Захаровага муносиб обрў келтирди.

У — СССР архив иши аълочисидир. «Ҳурмат Белгиси» ордени ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини олишга сазовор бўлган.

Ҳ. ИКРОМОВ.

⊙ СУРАТДА: Галина Захарова.

Т. Каримов фотоси.

Қишлоқ аҳлига мададкормиз

Амалий ёрдам

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳар ойда 350 тага яқин УПХ-1,5 В маркали пахта тозалаш машиналари тайёрланиб, истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб берилмоқда. Машинасозлар ҳар бир ишда пахтакорлар[illegible]дадкор бўлиш учун ку[illegible]тларини аяш маяпти. [illegible] машина созлар[illegible]а йиллар буён [illegible] Зарб[illegible] меҳна[illegible] келаё[illegible] сайи[illegible] ти.

Бу [illegible] шу [illegible] лари[illegible] лик[illegible]

касб этди. Оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича тузилган шартноманинг ҳатто баъзи бир шартлари уддалаб бўлинди.

Жиззах областидаги бу кенжа район асосан пахтачиликка ихтисослашган. Бундан ташқари район хўжаликларида мўл-кўл сабзавотчилик ва парранда маҳсулотлари етиштириш борасида белгиланган тошириқлар ҳам мунтазам муваффақиятли адо этиб борилади. Айни кунларда район хўжаликларида қишлоқ маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, айниқса пахта ҳосилдорлигини ошириш борасида катта тадбирлар амалга оширилди. Меҳнаткашларнинг унумли ишлашлари ва яхши турмуш кечиришлари учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Биргина шу йилнинг ўзида катта ҳажмда амалга оширилган қурилиш-ремонт ишларининг ўзи бунинг ёркин далилидир.

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчилари ҳам ўз имкониятларидан келиб чиқиб, қишлоқдаги дўстларига беминнат ёрдам бердилар. Тежалган материаллар ҳисобидан райондаги болалар боғчаси, мактаб ва дала шийпонларини ремонт қилиш учун тахта, ёғоч, фанер ва бошқа қурилиш материаллари етказиб берилди. Зарбдорликлар шаҳарлик дўстларидан 39 минг сўмликка яқин ана шундай қурилиш ва бошқа материалларни қабул қилиб олишди.

Бундан ташқари машинасозлар район далаларида бўлиб, деҳқонлар қалб қўри билан етиштирган ҳосилни йиғиштириб олишда, емхашак жамғаришда фаол иштирок этишди. Ҳозирги кунда район пахта далаларида автогенчилар ва газ пайвандчилар иссиқлик қувурларини монтаж қилишда хўжаликлардаги қурилиш бригадаларининг қурувчиларига ёрдам бермоқдалар.

Яқин кунларда бирлашманинг бир гуруҳ ишчилари райондаги колхозларга бориб, пахта ҳосилини йиғиштириб олишда пахтакорларга амалий кўмак беришади.

Д. МУРОДОВ.

Графикдан ўзиб

Борис Абрамов бригадаси «Главташкентстрой»нинг 11-«Висотстрой» трестига қарашли «Спецжелезобетон» қурилиш-монтаж бошқармаси коллективлари орасидаги социалистик мусобақада голиблик қилмоқда.

Ҳозирда бригада аъзолари графиндан икки ҳафта ўзган ҳолда шаҳримизнинг Энгельс кўчасида 124 онлага мўлжалланган ўн олти қаватли бино қурилишида самарали меҳнат қилмоқда. Коллективнинг Н. Ли, Ҳ. Мирзаев, А. Шофайзиев, Р. Рустамов сингари пешқадам бунёдкорлари октябрь ойи ҳисобига меҳнат қилишляпти.

35 кишидан иборат, малакали қурувчилардан ташкил топган бригада аъзолари шу кунларда бинонинг еттинчи қаватида монтаж ишларини олиб боришляпти. Улар август ойи планига қўшимча икки минг сўмликдан ортиқ қурилиш ишларини бажаришга аҳд қилишган.

М. ФЕЛЬДМАН.

Ҳайдовчилар шижоати

Шаҳримиздаги Жанубий темир йўл вокзали — Студентлар шаҳарчаси оралиғида қатновчи 7-трамвай маршрутига бўлган талаб тобора ортиб боряпти. Масофаси 15,5 километрли маршрутда 31 бекат мавжуд. Ҳар куни маршрутда Чехословакия вагонсозлари ишлаган 16 та тезюрар «Татра» трамвайи ўртача 3068 километр йўлни босиб ўтади.

Коммунист Абдумалик Х[illegible]ликов етакчилигидаги бу маршрут коллективи Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш билан бирга аҳолига юксак маданий хизмат кўрсатяпти. Авариясиз юрувчилар мастерлари эр-хотин Юрий ва Татьяна Марченко, Санжар Саидҳўжаев, Забихилла Суннатуллаев, Галина Поршина, Гули Турсуновалар маршрут оралиғини 57 минутда босиб ўтишга эришмоқдалар.

Моҳир ҳайдовчилар СССР Конституциясининг 11 йиллиги шарафига мусобақани авж олдириб юбордилар.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

УЗБЕКИСТОН ССРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан кўп бола туғиб тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» унвони берилсин ҳамда уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилсин:

Тошкент шаҳри бўйича

Абдураҳмонова Ҳалима Аҳмедовна — ишчига; Собир Раҳимов райони.

Аҳмедова Мавлуда Абдуқодировна — ишчига, Собир Раҳимов райони.

Ғуломова Мунира Муҳамедовна — уй бекасига. Акмал Икромов райони.

Қурбонбоева Ҳалима Жумановна — ишчига, Ҳамза райони.

Раҳимбоева Дилором Насруллаевна — ишчига, Сергели райони.

Саидмуҳамедова Инобат — уй бекасига, Киров райони.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва. Кремль.
1988 йил 24 август.

Пойабзалчилар аҳди

Файзулла Ҳўжаев номидаги 1-пойабзал фабрикаси коллективи XII беш йилликнинг учинчи йилида юксак мажбуриятлар қабул қилган. Фабрикада мунга 22.000 жуфт пойабзал тайёрланмоқда. Йиллик ишлаб чиқариш эса 6 миллион 80 минг жуфтни ташкил этиб турли нархдаги бу оёқ кийимлар 50 миллион 347 минг сўм демакдир.

Кейинги вақтларда фабрика ишлаб чиқараётган пойабзаллар ўзининг пишиқлиги ва бежиримлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Ҳар йили 70—80 та ихтиро ва рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу эса маҳсулотнинг сифатли ва бежирим бўлишида албатта роль ўйнайди. Шу кунларда фабрика меҳнат аҳли ишга зўр масъулият билан ёндошиб, харидорларга сифатли ва замонавий пойабзал ишлаб чиқаришни XIX партия конференцияси қарорларидан руҳланган ҳолда олиб бормоқдалар.

Б. ОРИПОВ.

[illegible] транспортчилари музейи

[illegible]учаг[illegible] маъ[illegible]ирлаш[illegible]шланди. Октябрь[illegible] инқилоб[illegible] талабалари[illegible]ни м[illegible]аш, Улуғ Ватан уру[illegible]тинч қурилиш йилларида аҳоли узоғини яқин қилиш ишига самарали ҳисса қўшган шаҳар электр транспорти хизматчиларининг жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати йўлларини акс эттирувчи музей очилади. Музейда 5600 экспонат намойиш этилади.

Ўзбекистон маданий ёдгорликларини таъмирлаш илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти архитекторлари С. Қобилов, У. Қосимов, З. Тўлагановларнинг лойиҳалари бўйича музей биноси қайта таъмирланади. Музейнинг ички кўриниши ва безакларида ўтган давр «нафаси» сезилишини — Тошкент илмий-ихтисослашган таъмирлаш ишлаб чиқариш устаханаси вакиллари ўз зиммаларига олдилар.

Ҳозир бинода таъмирлаш ишининг биринчи босқичи жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бу иш шаҳар электр транспорти ремонт қурилиш бошқармасининг қурувчилари зиммасига юклатилган.

С. АЛИЕВ.

«Садо» иштирокида фильм

Ҳозир республикамизда қатор таниқли ансамбллар ишлаб турибди. Улар томонидан тайёрланаётган концерт номерлари ўзининг жозибадорлиги билан кўпчиликка манзур бўлмоқда. Ана шу севимли ижодий коллективлар ижрочилик маҳоратини кинолавҳалар орқали тараннум этиш мақсадида музикали фильм тайёрлашга киришилди. «Ўзбекфильм» киностудиясининг режиссёри Ф. Давлетшин томонидан постановка қилинаётган бу қисқа метражли фильм «Видеотека» деб номланди.

Уй-жой қурилиши «Оқшом» назоратида

Ҳаракат мезони

Бунёдкорлик ишлари ой сайин кенг қулоч ёзаётган азим шаҳримизда яқин икки йил ичида бир нечта турар жой массивлари, кварталлар барпо этилди. Бунинг натижасида минглаб оилалар ўзларининг шинам уйларига эга бўлдилар, турмуш шароитларини яхшиладилар.

Айни кунларда Чилонзор районидаги янги «Гулистон» массиви қурилиши ҳам уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Яқинда мухбиримиз 153-трестнинг 39-қурилиш бошқармаси бригадири Файзулла Умаров билан учрашиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.

— Аввало, мамлакат уй-жой программасини амалга оширишга коллективингиз қурувчилари қандай ҳисса қўшаётганлиги ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Бу муҳим программа бригадамиз қурувчиларининг ўз ишларига бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб юборди. Қўйилган вазифалар муҳимлиги билан алоҳида аҳамиятга моликдир. Муҳимлиги шундаки, аҳолининг турар-жойларга бўлган талаби тобора ортиб бормоқда. Уларнинг эҳтиёжларини қондириш учун амалий ҳаракат тақозо этилмоқда. Бу ҳол кўпроқ ишга туширилаётган объектларда ҳам сифат, ҳам самаранинг таъминланаётганлигида кўзга ташланяпти. Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида таъкидланганидек, «Биз бениҳоят муҳим зазифани ҳал этишга —амалда 2000-йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки якка тартибдаги уй билан таъминлаш вазифасини ҳал этишга киришдик. Бунинг учун 35 миллионтадан кўпроқ квартира ва уй қурилиши кераклиги маълум. Гарчи уй-жой қурилишидаги вазият яхши томонга ўзгара бошлаган бўлса-да, бу муаммо ҳамон кескин бўлиб турибди. Одамлар йиллар давомида квартира берилишини кутмоқдалар». Бу биз, қурувчиларнинг ишига берилган холис баҳо ҳамдир. Коллективимиз аъзолари қурилиш-монтаж ишларини бугунги кун талабига мувофиқлаштириш учун ҳар томонлама ҳаракат қилмоқдалар. Тиклаётган уйларимизнинг сифатида кейинги пайтларда бildирилаётган эътирозлар тобора камайиб борилаяпти. Аммо бу жуда оз иш. У билан қаноатланиб бўлмайди. Уй-жой программасини амалга оширишда ҳар бир бинокорнинг ҳиссаси алоҳида сезилиб туриши керак. Агар ҳамжиҳатлик бўлмаса, ишдаги силжиш деярли кўзга ташланмаслиги мумкин эмас. Энг муҳим омилларимиз мана шу муаммони кенг илдиз отмаслигига қаратилмоқда. Коллектив равишда камчиликларни енгиб боряпмиз. Гарчанд янги массив қурилишига ўтган йили киришилган бўлса ҳам, ҳозир таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Ўнлаб шинам уйлар ўз эгаларини бағрига олди. Уларнинг ёнида янгилари қад кўтарди. Мактаб қурилиши бошлаб юборилди. Хулласи бир сўз билан айтганда ҳозирги кунда «Гулистон» массивининг қайси бир жойида бўлманг, бунёдкорлик ишлари жадал паллага кираётганлигидан яйраб кетасиз. Бригадамиз қурувчилари биргина шу йилнинг ўзида 32 квартирали иккита янги уйни ишга туширишди. Ҳозир яна битта шундай бинони пардозловчиларга топширай деб турибмиз. Йил охиригача бригадамиз аъзоларининг фидокорона меҳнатлари эвазига янги массивда қад кўтарган замонавий уйларнинг сони бештага етади.

— Кейинги вақтларда бир қатор коллективлар бригада пудрати асосида иш юритяпти. Бу усул хўжалик ҳисобига ўтишда муҳим роль ўйнаши, шубҳасиз. Аммо юзага келган баъзи бир муаммоларнинг ютуқларга қатъий гов бўлаётгани ҳам сир эмас. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай!

— Бугун ҳамма гап очиқчасига, ошкора айтилмоқда. Жойларда юз берган камчиликларнинг олдини олиш юзасидан кескин чоралар кўриляпти. Бу ишлардан киши қувонади, албатта. Аммо қурилиш материаллари таъминотидаги узилишларнинг ҳалигача олди олинмаётганлиги одамни қаттиқ ўйлантириб қўяяпти. Бизнинг қай даражада ишлашимиз таъминотчиларга ҳам бевосита боғлиқдир. Лекин таъминотда ўзгариш бўлмагач, ишда сусткашликка йўл қўйилаверар экан. Бу билан мен бор масъулиятни елкамиздан соқит қилиб, таъминотчилар зиммасига юкламоқчи эмасман. Аммо иш қайси жабҳада бўлмасин, давр талабига мувофиқ келиши шарт.

Баъзан қурилиш материаллари йўқлигидан иккинчи даражали ишларга чалғиб қоламиз. Бошқа объектларга ёрдам қўлимизни чўзамиз. Аммо қурилиш участкамиздаги аҳвол кун сайин мураккаблашса мураккаблашадики, енгиллашмайди. Оқибатда дўппи тор келиб қолганлигидан ишга зўр беришга мажбур бўламиз. Сифат ўрнига самара биринчи даражали вазифага айланиб қолади. Хўш, бундай ишлашдан кимга фойда: таъминотчиларгами ёки қурувчиларга? Утган ойда ҳам шундай бўлди. 43 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини аранг бажардик. Агар қурилиш материалларини ўз вақтида олганимизда эди, уддалаган ишларимизнинг салмоғи янада ортган бўларди. Аччиқ эътирозлардан таъминотчи заводларнинг ишчилари тўғри хулоса чиқариб олишмаяпти. Бу эса шартнома мажбуриятларининг бажарилишига жиддий путур етказмоқда. Демак, туб ўзгаришларни бевосита таъминотда ҳам кенг йўлга қўйиш, уни қатъий тартибга солиш зарурга ўхшайди.

— Коллективингизнинг янги режалари нималардан иборат!

— Ҳозир чек системасига ўтиш арафасида турибмиз. Бунинг ўзига хос афзаллик томонлари кўп. Биринчидан, чек системаси коллективимиз аъзоларини ўз мустақиллигини оширишда бизга тенг ҳуқуқни беради. Иккинчидан, катта моддий жавобгарликни зиммамизга юклайди. Аввалари қурилиш материалларидаги аҳвол билан ўнчалик қизиқмасдик. Ундан фойдаланиш ва жой-жойига сарфлаш фақат участка прорабининг зиммасида бўларди. Ҳозир бригадамизда соғлом муҳит юзага келган. Ҳар бир қурувчи қаергa қандай материал кетишини яхши билади. Ундан пухта фойдалана олади. Бу эса тежамкорликни кучайтиришда, катта иқтисодий самарага эришишимизда бизга фақат қўл келиши мумкин. Янги шароитда ишлаш янгилик сари қизғин изланишни, ютуқларни мустаҳкамлашни тақозо этяпти. Коллективимизга уюшган 35 қурувчи айни кунларда шу катта мақсад йўлида фидокорона ишламоқда. Шуниси характерлики, уларнинг кўпчилиги бир-бирларидан зарур ёрдамларини аямай, кўмаклашиб туришади. Тажрибаларни ўзаро баҳам кўрадилар. Бинокорларимиз айни кунларда Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорларини амалга ошира бориб, зарбдорчасига ишламоқдалар. Тикланаётган объектларнинг ишга туширишмуддатларини тобора жадаллаштиришга астойдил ҳаракат қилишяпти.

Суҳбатдош Р. АҲМАДАЛИЕВ.

Бизнинг интернационалчи-жангчиларимиз

Тўкилган қон — беҳуда кетмас

Газетамизнинг 1988 йил 10 февраль сонида Афғонистонда хизмат қилаётган солдат мактубларини эълон қилган эдик. Ана шу солдат энди уйга қайтди. Жамоатчи мухбиримиз у билан суҳбатлашди.

Унинг кўкрагида «Жанговар хизматлари учун» медали порлаб турибди. Гвардия катта сержанти Еқубжон Бойматов бу юксак жасурлик белгисига жанговар меҳнати эвазига эришган.

У атрофга хурсанд, ташналик билан боқади. Одамларга ёруғ юз билан қарайди. У энди аввалги студент Еқубжон эмас. У ўт-оловни кўриб, оқ-қорани таниган, қуёш, сув, нон ва энг муҳими тинчлик қадрини тушунган йигит эди.

— Уша мактубларим эълон қилинган газетани олганимда қандай ҳолга тушганимни билсангиз эди. «Оқшом» қўлма-қўл бўлиб кетди. Ўртоқларим, командирлар газетани ташналик билан ўқишди. Тошкентда чиқадиган газета афғон тупроғида кўзимизга тутиёдек кўринди. Худди қадрдон пойтахтимиз қуёши, ҳавоси келгандек бўлди барчамизнинг назаримизда.

Еқубжон ҳаяжонланиб сўзида давом этди:

— Командир ва замполит мени ҳузурларига чақиришиб узоқ гаплашишди.

— Еқубжон, энди сен кўпчилик назарига тушдинг. Бунинг масъулиятини биласанми!

Тўғрисини айтсам, ўзимнинг ҳам кўнглимга шу фикр келиб турган эди. Энди қуролдошларим ҳам менга бошқача қараб қолишган эди. Жанговар шароитда барчага ишда ўрнак бўлишга мажбур эдим.

Сержант Бойматовнинг қуйидаги сўзларини айнан келтираман:

— Газетага қуролдош дўстларингиз ҳақида ёзинг. Айниқса, ўз бурчини ўтаб мардларча ҳалок бўлганларни.

Командир ва замполит ҳузуридан чиқиб тўғри афғон дўстларим олдига бордим. Улар турган постда ўзбек, тожик йигитлари бўлиб, улар билан қалин дўст эдим. Айниқса тожик, 15 ёшли сарбоз Жалил мен билан иноқ. У газета билан танишгач жуда хурсанд бўлди. Мен у ҳақда ёзмоқчи эканлигимдан эса ўнғайсизланди.

— Қўйсангиз-чи, мен қандоқ иш кўрсатибман! Сайфиддин ҳақида ёзинг.

Жалил шундай дея менга чой тутди. У айтган сарбоз — ўзбек йигити Сайфиддинни яхши биламан. Унинг уч акаси душманлар билан жангда ҳалок бўлган. Олти йилдан бери афғон армиясида хизмат қилади. Жалил ва Сайфиддин билан бирга кўп операцияларда бўлганман.

— Тожик билан ўзбек азалий қадрдон. Оға-инидек бир-бирига яқин. Урф-одатларимиз ҳам.

Жалил шундай дея мени қучоқлади.

— Яқинда уйингга кетасан. Мен қандоқ қиламан! Биз сизларга жуда ўрганиб қолган эдик.

Жалилнинг юзида қайғу кўрдим.

— Бу урушда яқинини йўқотмаган бирор оила йўқ.

Жалил чуқур уф тортди. Бор-йўғи 15 га киргану, бошидан ўтган савдолари бир умрга татигулик. Жалил катталарга ўхшаб фикрлайди. Автоматдан бехато отади. Барча қуролдан фойдаланишни билади. Табиатан истеъдодли, ҳар нарсага қизиқувчан Жалил кўпроқ мендан Узбекистон ва Тожикистондаги ҳаётни сўрарди. Унинг бу қизиқишида гап бор. Умуман афғон халқининг кўпчилиги бизнинг турмушимиз ҳақида тўғри тасаввурга эга эмас. Менинг ҳикояларимни улар ажабланиб тинглашади.

Афғон сарбозлари билан кўп суҳбатларим катта мунозара-баҳсга айланади. Ана шулардан мен бир хулосага келдим. Агар афғон лар бизнинг ҳаётимиз ҳақида кенг тасаввурга эга бўлишганида душманлар ниғосига учишмас эди. Кундузи далада деҳқончилик қилиб кечалари душманлар сафида қўлида қурол билан республикага қарши курашмас эди. Баъзан ротамиз командири Борис Михайлович Сорокин ҳазиллашиб:

— Бойматов, сен худди гражданлар урушидаги қизил комиссарга ўхшайсан, —дерди.

— Бўлмаса-чи, — дерди замполит, — Бойматов зиёли студент. Узбеку-тожикка Октябрь революцияси нима берганлигини ўзида кўрсатяпти. Бу жонли ташвиқот.

Комиссарларимиз ҳақ эди. Биз, ўзбеклар революция туфайли қўшни афғон элидан нақадар ўзиб кетганимиз менга беш бармоқдек аён. Бу тупроқда ўтган икки йиллик хизмат бунга кафолот.

Запасдаги гвардия катта-сержанти, Совет Армияси аълочиси — энди эса Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти II курс студенти Еқубжон Бойматов шундай хулосага келди.

— Бувайдалик Маҳмуд Юсупов, пермлик Валерий Кочковой, москвалик Рустам Гарифуллин каби қуролдош дўстларимнинг қони беҳуда кетмайди, — дейди у қатъий оҳангда, — улар буюк мақсад йўлида жонларини фидо этишди. Қандай буюк мақсад дерсиз! Совет халқининг тинчлиги, хавсизлиги, обрў-эътибори, қолаверса жафокаш қўшнимиз афғон халқи бахти учун!

Афғонлар бизнинг қиёфада «Дўстинг учун заҳар ют» нақли мағзини чақишди. Совет кишилари қандай дилкаш, меҳнат элига меҳрибон ва одамшаванда эканини кўришди. Ҳали биз эккан дўстлик уруғлари барқ уриб кўкарганда, дўстлик боғи яшнаганда шу ҳалок бўлган дўстларимизга ҳайкаллар қад ростлагай. Бунга ишончимиз комил.

Еқубжон эътиқод ила сўзлайди. Ангренлик оддий ишчи фарзанди Еқубжон меҳнат кишиси. Олти ўғил олти қиз вояга етаётган оилининг ўртанча аъзоси бўлган бу йигит жанговар шароитда гвардиячи жангчи бўлди. Йигитлик шарафини улуғлади. Узбек халқи фарзанди номини юқори кўтарди.

Еқубжонга ҳавас ва ғурур ила тикиламан. Ахир унинг онгли, жасур ва сиёсий етук курашчи бўлиб етишишида биз, КПСС тарихи ўқитувчиларининг ҳам ҳиссамиз бор. Яна шу билан фахрландимки, Еқубжон Бойматов каби йигитлар оталар жасорати фарзандлар мероси эканлигини рўй-рост кўрсатишди. Бағри кенг, меҳнаткаш Узбекистон фарзандлари ўрни келса жасоратда, ҳарбий ишда ҳам аждодларимизнинг қаҳрамонона анъаналарини бойитишга қодирликларини кўрсатишди.

Барака топинг, жангчи-интернационалистлар!

Ҳ. СОДИҚОВ,

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти ўқитувчиси.

Сўнмас у кунлар шуҳрати

Ҳамон сафда

Фашистлар она Ватанимиз тупроғига бостириб кирганида бутун совет халқи оёққа турди. Ҳамманинг фикри-зикри бос-қинчиларни орамиздан тезроқ улоқтириб ташлаш эди. Эр йигитлар бирин-кетин фронтга йўл ола бошлашди. Қаттиқ жанглар кетар, катталар ўрнини ёшлар эгалларди.

1943 йилнинг баҳорида 19 ёшли Жўра ака ҳам урушга жўнади. У аввал уч ойлик ҳарбий тайёргарликдан ўтди.

Ж. Исроилов биринчи жангини 191-артиллерия полки составида Полтава шаҳрини озод қилишдан бошлади. Шундан сўнг у Запорожье, Кишинев шаҳарларини, Руминия, Венгрия, Чехославакия каби давлатларни гитлерчилар асоратидан озод этишда қатнашди. Кўрсатган мардликлари учун бир неча марта олий Бош қўмондонликнинг раҳматномалари билан тақдирланди. Кўксини орден ва медаллар безади. Жасурлиги билан қуролдошлари орасида ҳурмат қозонди. Командирлар уни довюрак жангчилар қаторида санаб ўтишарди. Уруш тугагач, 1947 йилгача Николаев шаҳрида хизмат қилди.

Армиядан кейин яна Тошкентга қайтди. Пскент районидаги «Қизил бирлик» колхозида шофёрлик қилди. Тошкент тўқимачилик комбинатига ишга кирди. Қирқ йилдан ошибдики, ветеран ишчи ҳамон шу ерда меҳнат қилади. Жўра ака ва Санталат опа икки қиз ва тўрт ўғилни эл ҳурматидаги кишилар қилиб вояга етказишди. Фарзандларининг ҳаммаси халқ хизматида.

Жўра ака ишдан ҳориб борганида неваралари — Ҳасан, Ҳусан, Ферузалар бобосининг қучоғига отилиши, уларнинг ширин тиллари чарчоғини ёзиб юборади.

Ш. АБДУРАИМОВ, ишчи.

Э Ъ Т И Қ О Д

— Уқишни битиргач ким бўлмоқчисан, — ёўрайди Вера Ивановна ширингина қизалоқнинг сочларини силаркан.

— Муаллима, — дейди у киприкларини пирпиратиб, сўнг чопқиллаб боққа кириб кетади. Қисқагина суҳбат. Хаёллар қанот ёзади, Вера Ивановна қалбида бутун борлиғи билан болалик йиллари — ўтмиш хотиралари уйғонади.

У ҳам Нилуфардай ёқимтой бўлиб, фанларни аъло баҳоларга ўзлаштирар, дарсдан бўш вақтларида ирмоқ ёқалаб юришни, ҳар хил ўтлардан дорилар тайёрлашни ёқтирадиган, гапга бироз чечанроқ қизча эди. Орзулар... Мактабни тугатиб, ҳеч иккиланмай Златоуск шаҳридаги медицина билим юртига ўқишга киради. 1941 йили битириб, қишлоғига отланаётганда... Кўнгиллилар қатори фронтга отланади. Кўчма госпиталда ҳамшира бўлиб иш бошлади. Госпиталь Сатька шаҳрида ташкил этилиб, ярадор жангчиларга биринчи ёрдам кўрсатар — доимо фронтнинг олдинги чизиғида ҳаракат қиларди. 1944 йил ўрталарида Криматорскдан Руминиягача бўлган йўлни босиб ўтади. Госпиталь 1946 йилга келиб ҳарбий госпиталга айлантирилади.

...Веричкани нафақат госпитал бошлиғи И. Подгорнов ёки сиёсий раҳбар Иван Остапович Савченколар, балки ҳамширалар, ярадорлар ҳам яхши кўришар, очиққўнгил қиз билан тез тил топишар, уларга медицина ёрдами берибгина қолмай, ўйлаб топган латифалари, ҳиноялари билан барчанинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилар, яшашга, тезроқ тузалиб, Ватан ҳимоясига отланишга чорларди.

— Госпитални сутка давомида бир неча бор ўққа тутишар, кўплаб бомбардимон қилишарди, — дея эслайди Вера Ивановна. — Довюрак қизлар — ҳамширалар ҳеч қачон иш ташламаган, тушкунликка тушмаган. Дугонам Варвара билан ҳали ҳам ўша-ўшамиз. Хат орқали ёки дийдор кўришганда бир-биримизга узоқ тикиламиз. «Вера, — дейди дугонам, — Вера — бу эътиқод дегани...».

Вера Дмитрий билан турмуш қурди. Дмитрий ҳам Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, оғир яраланган. Совуқ иқлим тўғри келмаганлиги учун, улар 1948 йили Тошкентга кўчиб келдилар...

Вера Ивановна Журавлева, Тошкентдаги 1-болалар санаторийсида бу номни ҳурмат билан тилга олишади.

Н. ҚОСИМОВА.

Мен офицер бўламан

Айни саратон эди ўшанда. Кун пешинга яқинлашгани учунми, ниҳоятда қизиган, кўчада одам кўринмасди. Ҳамма ўзини соя урган. Тиқ этган товуш эшитилмайди. Фақат еттисаккиз ёшлардаги икки болакай қуёш тиғига эътибор бермай катта йўл бўйида ўйнаб ўтиришибди. Куннинг иссиқлиги уларнинг парвосига келмайди. Болалар лойдан турли шакл ясаш билан овора. Шу пайт уларнинг олдига такси машинаси келиб тўхтади. Бунақа «Волга»лар қишлоққа кам келарди. Болалар «ялт» этиб қаращди. Кабинадан ҳарбий кийимли киши тушиб келди. Унинг погонидаги юлдузлари, фуражкасининг тилларанг занжири офтобда товланарди.

— Урре, акам келдила,— деб болалардан бири ўрнидан сакраб турди-да, офицер томон этилди. — Суюнчини ўзим оламан.

Иккинчиси ҳамон анграйганича ўтирарди. «Акаси милиционер экан-да. Иўқ, милиционерлар қизил шапка киярди. Буники кўк. Этигиям зўр экан...».

— Қани, қани, Акмалжон, — ҳарбий киши укасини ердан даст кўтариб олди, юзкўзларидан ўпди. — Катта йигит бўлиб кетибсан-ку. Оббо сен-ей. Ўқияпсанми?

— Иккинчига ўтдим.

— Молодец... Хўш, бу ким, ўртоғингми?

— Ўртоғим. Баҳодир. Уйи ҳов анави.

— Бўлмаса сўрашиб қўяйлик, оғайни, — этикли киши Баҳодирга қўл узатди. — Қани... Нимага ҳаёл суриб қолдинг, ё офицерни биринчи кўришингми?

Ў ҳамон ўзига келолмасди. Ҳарбийга маҳлиё бўлганича ўзи билмаган ҳолда қўл узатди:

— Ассалому алайкум!

— Бу бошқа гап,—кулиб алик олди «шапкали» амаки. — Кейин икки ёнидаги чамадонни қўлига олди. — Қани юринглар, уйга! Сизларга зўр совғалар олиб келганман.

Акмалнинг акаси қишлоққа дам олгани келдию, Баҳодирнинг тинчи йўқолди. Бир ой давомида кунини ўртоғининг уйида ўтказди. Акмалнинг акаси ҳам очиқкўнгил, ҳазилкаш экан, болаларнинг бironта саволини жавобсиз қолдирмасди. Бироқ, нега узоқда ишлайсиз деб ҳеч сўролмасди. Унинг ўрнига дадасидан сўради. Билса, ўртоғининг акаси узоқ бир шаҳарда аскарларга командир экан. Аскарларга бош бўлиш ҳамманинг ҳам қўлидан келмас экан. Бунинг учун йигит кучли болаликдан бақувват, ҳарбий билимдон бўлиши зарур эмиш. Бунақа кишиларни офицер дейишаркан.

Шу-шу бўлдию, Баҳодирда офицерлик касбига ҳавас уйғонди. Бу ҳавас бора-бора орзуга айланди. Анча маҳалгача энтикиб, ғурур билан ўзига ўзи: мен албатта офицер бўламан, деб юрди. Юқори синфга ўтганида бу истак кучайди.

— Шундай жойни танлайсан-у, севинмаймизми. Фақат бир гап. Чуқур ўйлаб кўрдингми? Офицерликка ўқиш ҳарбий билим юртига ўқишга кирсам.

— Ўқиш ўйлаб ўтирадиган ишмас. Ўқишга кирсанг, ўқишни тугатсанг, офицер бўлиб ишга тушасан. Ҳарбий билим юртига ўқишга кирсам, ҳарбий билим юртида ўқиш ҳаётим, — Розиҳон ҳарбий билим юртига ўқишга кирсам.

— Шундай жойни танлайсан-у, севинмаймизми. Фақат бир гап. Чуқур ўйлаб кўрдингми? Офицерликка ўқиш ҳарбий билим юртига ўқишга кирсам.

— Ўқиш ўйлаб ўтирадиган ишмас. Ўқишга кирсанг, ўқишни тугатсанг, офицер бўлиб ишга тушасан. Ҳарбий билим юртида ўқиш ҳаётим, — Розиҳон

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

Арманистон ССР. Ўтган йили биродарлашган Ереван билан Американинг Кембридж шаҳарлари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб боряпти. Кембридж олимлари делегациясининг Арманистон пойтахтига сафари бу борада янги бир қадам бўлди. Делегация сафарда таниқли тарихчилар, археологлар, маданият арбоблари ва бошқа соҳаларнинг вакиллари бор эди. Улар арманистонлик ҳамкасбларининг ишлари, республика ҳаёти, Ереванинг ўтмиши ва ҳозирги куни билан танишдилар. Меҳмонлар шунингдек тарихий-меъморлик ёдгорликларини кўздан кечирдилар, Арманистоннинг маданий марказларида бўлишди.

СУРАТДА: Гарвард университетининг профессорлари Жейн Эйр Скотт (чапда) ва Клайв Фосс археология эскпедициясининг бошлиғи, тарих фанлари кандидати Арам Калантарян билан.

Р. Атаян фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

Совет Иттифоқи янгиликлари

⊙ **УЛЬЯНОВСК.** Ульяновск бадиий галереясида намойиш этилаётган асарларда Октябрь революцияси доҳийсининг тарижмаи ҳоли саҳифалари акс этган. Бу ерда «Тасвирий санъатда В. И. Ленин образи» деган мавзуда экспозиция ташкил этилди. Унга ватанимиз графикаси усталарининг Совет ҳокимияти йилларида яратилган энг яхши асарлари қўйилган. Рус давлат музейининг ходимлари Волга бўйидаги шаҳарда махсус намойиш этиш учун кўпгина асарларни юбордилар.

⊙ **ВЛАДИВОСТОК.** Владивосток ўлкашунослик музейида Владимир Висоцкий ижодига бағишланган кўргазма очилди. Бу ерда СССР Журналистлар союзининг Бутуниттифоқ фото маркази танлаб олган 150 дан кўпроқ сурат намойиш этилмоқда. Фотоусталарнинг асарларида шоирнинг Приморье ўлкасида шеър ўқиб, қўшиқ айтаётгани, унинг денгизчилар ва балиқчилар билан учрашувлари акс этган. Кўргазма программасига кўра, «Изланиш» ҳаваскорлик қўшиқлари клуби аъзоларининг концертлари бўлади. Бу ижодий коллектив ажойиб қўшиқчи поэзиясининг юксак гражданлик анъаналарини давом эттирмоқда.

⊙ ИЛЬИЧЕВСК (Одесса области). Бу ердаги «Квант» корхонаси коллективи «Альфа-БК» микрокомпьютерларни кўплаб ишлаб чиқаришга киришди. Янги қурилмада хотира ҳажми оширилган. Йил охиригача корхона юзлаб шундай жажжи компьютерларни ишлаб чиқаради.

⊙ **КУРГАН.** Маҳаллий инженерлар ва техниклар СССР давлат агросаноат комитетининг дастлабки буюртмасини бажардилар. Улар чорвачилик фермаларининг чиқиндиларидан метан олиш учун биоэнергетика қурилмасини тайёрладилар. Бу газдан уй-жойлар ва ишлаб чиқариш биноларини иситишда фойдаланилади.

⊙ ЎШ. Қирғизистон жанубидаги Сўзоқ райони хўжаликлари сибирликларга пиёз етказиб бера бошладилар. Йўлда ушланиб қолиш пиёзнинг сифатига таъсир қилмайди. Масалан, Ленин номли колхознинг термик ишлов берилган ва полиэтилен пленкага жойланган маҳсулоти йиллаб сақланиши мумкин. Унинг таъми ва таркибидаги витаминлар деярли ўзгармайди. Бу йил район хўжаликлари юз тоннага яқин бош пиёз сотишга қарор бердилар, бу эса талайгина фойда келтиради.

(ТАСС).

Кемерово области, Кузбасснинг жанубидаги шахтёрлар шаҳри Междуреченскда «Гулливер» болалар шаҳарчаси кичкинтойларнинг энг севимли ҳордиқ масканларидан бири ҳисобланади. Ёзнинг иссиқ кунлари шаҳарча айниқса гавжум бўлади.

А. Кузярин фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

Г. ПЕЧЕРЕР

Мўъжиза рўй берди

(Ҳажвия)

— Ура, ўртоқлар! — ўзича ҳаяжонланиб гапирди директор, маъноли қараш билан эндигина цехга ўрнатилган роботга тикилиб. У сўнгги дақиқаларда севинчдан намланган кўзлари билан инженерни излаб топди.

— Зудлик билан министрга телеграмма беринг! — Учинчи дақиқада амрона қараш билан партком секретарига тикилди:

— Райкомга рапорт! Матбуотни унутма. Иложи борича кенгроқ!..

Тўртинчи дақиқада директор митингга йиғилганларга мурожаат қилди:

— Ўртоқлар! Биз сизлар билан тарихий воқеанинг иштирокчиси ва гувоҳи бўлиб турибмиз. Бир неча дақиқалардан сўнг жонажон корхонамизда илмий техника революцияси содир бўлади...

Эрталабдан тантана арафасида бекорчиликдан ҳолдан толган духовой оркестри тўгараги мақташга арзигули ҳаракат билан тантанавор куйни ижро этди. Цех гўлдурос қарсаклардан ларзага келди. Директор пультга йўл олганда катта хонада шундай сукунат рўй бердики, ҳатто энг охирги қаторда ўтирганлар ҳам раҳбар юрагининг ҳаяжонли уришини яққол эшитдилар.

Директор шошилмас эди. У орзиқиб кутилган дақиқаларни чўзишни, узайишини хоҳлар, тарихнинг янги саҳифаларини бошлайдиган ором-бахш вақтнинг тўхтамаслигини истар эди. Бир неча минутдан сўнг мўъжиза юз беради. Вақт иккига бўлинади. Роботгача бўлган вақт маъносини ва аҳамиятини йўқотади.

Олам-олам ҳайбаракалла-чиликлар кечирилади, ишнинг тўхтовсиз издан чиқиш ҳоллари ва барбод бўлиши, ҳисобдан чиқазилган зарарлар унутилади. Заводнинг бутун соҳада донғи кетади! Мамлакатда ном чиқаради! Газетачилар ва телевизорчилар осмону фалакка кўтарадилар. Мукофотлар мўл-кўллигидан сочилиб кетади. Директор биринчи марта комиссия ҳақида ҳаяжонланмай ўйланиб қолди, ахир директорнинг раҳбарлик таржимаи ҳолига чек қўйилишига сал қолган эди-да. Бугун у табассум билан ўша қора кунни эслашга журъат этади, ҳолбуки ўша цехда (бундан буён заводнинг ғурури бўладиган) комиссия ёрдамчи хўжалик ишчиси Маша холага дуч келган эди.

Можаро аслида ана шундан бошланган эди. Маша хола одатдагидек тайёрланган чўянни станокка кўтариб келтираётган эди. Айтилгандек, унда иш яхши кетаётган эди. Аёл оғир қўйма-ларни бамисоли оғирликни сезмагандай дадил кўтарарди. У оғирликни авайлаб, гўё эмизикли гўдакдек бағрига босарди. Бир смена шундай ташиб кўр-чи... Бу ерда, акаси, эпчиллик, талант керак.

Аммо-лекин шахсан Маша хола комиссияни ғазабга келтирди.

— Ёввойилик! Тош асри! Қўшниларда роботлар, букилувчан технология, бу ердаги... — Комиссия директорни яна узоқ койиди, аҳволни қисқа вақтда тўғрилаш ҳақида қасам ичгандан кейин тинчланди.

Мана энди цехга робот ҳам келди. Келди!! Тўғриғини айтганда, роботни келтиришди деган ҳаёлга келди директор кўрсаткич бармоғини бошқариш пультга тегизганда. Уч... Икки... Бир...

— Пуск!

Робот Маша хола кўтаролмаган чўян қуймасини енгилгина кўтариб станокка узатди.

— Ура, ўртоқлар! — деди директор. У ўзича пичирлаб, бутун вужудини қамраб олган ҳис-ҳаяжонини зўрга тутиб турар, кўзлари билан ўзининг ҳалоскори бўлган темир дўстини еб қўяй дерди.

Илмий-техника революцияси содир бўлди! Завод жадаллаштириш томон йўл олди. Ҳаваскор духовой оркестр чалаётган тантанавор музика гулдурос қарсаклар остида кўмилиб кетди. Митинг қатнашчиларидан фақат бир кишигагина чапак чалиш насиб қилмади, у ҳам бўлса Маша хола эди. Унинг қўли банд эди. Нима қилаётган эди! Чўян қуймаларни роботга узатаётган эди.

Хотима: Газетанинг мазкур сони саҳифаланаётганда директорнинг ўз вазифасидан четлатилгани ва унга қаттиқ партиявий жазо берилгани ҳақида хабар олинди. Аммо, афсуслар бўлсини, миш-мишларга қараганда, у вайсақи ва муросасозларнинг сўнггиси эмас эди.

Русчадан
Тойир МИРПЎЛАТОВ
таржимаси.

Табиатнинг қизиқ табиати

Денгиз тубидаги ҳаёт

Кунлардан бир кун биолог-аквалангистлар денгиз-лар остида қандай ҳаёт борлигини билмоқчи бўлдилар. Узоқ вақтдан бери илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиши натижасида шу нарса маълум бўлдики, кўплаб ҳайвон ва ўсимликлар топилган денгиз тубидан биз йиғиб оладиган инъомларнинг ҳаммасини санаб ўтиш қийин.

Денгиз ўсимликлари ичида сув ўтлари инсонга катта фойда келтиради. Улар қуёш нури етиб борадиган даражадаги чуқурликда ўсади. Улар қуёш нурисиз яшай олмайди. Денгиз сув ўтларининг тўпламн баъзан ўнлаб километрга чўзилади. Мамлакатимизда сув ўтлари асосан Баренц ва Япон денгизларидан олинади. Баъзи бир сув ўтлари одамлар учун озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида халқ хўжалигида кенг ишлатилади.

Шарқий Осиёда, айниқса Хитой ва Японияда инсон организми учун керак бўлган витаминларга бой бўлган денгиз карами ва денгиз салати кенг тарқалган. Бу ерларда истеъмол қилинадиган сув ўтлари денгиз қирғоқ бўйларида сунъий йўл билан ҳам кўпайтирилади. Баъзи бир сув ўтларидан қишлоқ хўжалигида экинларга ўғит ва қорамол учун ем-хашак сифатида фойдаланилади. Шунингдек саноатда халқ хўжалиги учун улардан елим, пластмасса, ҳар хил бўёқ моддалари, инсон саломатлиги учун зарур бўлган дори-дармонлар (йод, денгиз карами, денгиз салати ва бошқалар) олинади, яна улар айни вақтда денгиз ҳайвонлари ва балиқлари учун энг яхши озиқ-овқат бўлади.

Ватанимиз бўйича денгиз карами етиштириш жиҳатидан биринчи ўринда турадиган участкадамиз деб тасаввур қилсак, унда тўлқинлар устида юзлаб ёрқин шарлар қуёш нурида жилваланади, улар сув полиз майдонидаги экинларнинг сув остидаги трос конструкцияларини маҳкам сақлаб туради. Таранг тортилган тросларга капрон иплар боғлаб сувга туширидаги, унга эса барг ёзиб шохлаётган ламинария сув ўсимлиги чирмашиб тезда ўса бошлайди. Бу ерларда табиий шароитда ўсувчи денгиз карамидан юқори ҳосил олинади. Ундан ҳар хил салатлар, мураббо, дори-дармонлар тайёрланади. Сув ўтлари орасида кичкина қисқичбақалар, майда балиқлар ва бошқа жониворлар яшай, ўзларини йиртқич ҳайвонлардан сақлайдилар.

Денгиз тубида яшовчи кўпгина жониворлар одамларга катта фойда келтиради. Краблар (денгиз қисқичбақаси), устрицалар, моллюскалар, айрим осьминоглар қишлоқ хўжалигида озуқа сифатида ишлатилади. Устрицалар махсус кўпайтириладн, моллюскаларнинг чиғаноқларидан дур, садаф ва бўёқ моддалари олинади. Коралл ва замбуруғлар ҳам денгиз остидаги инсон учун энг фойдали ҳайвонлар туркумига киради. Айни шу кунларда Ер шарида ҳар йили юз минг тонналаб устрицалар, моллюскалар, краблар, денгиз сув ўсимликлари йиғилмоқда.

Тўхтахўжа МАҲМУДОВ.

Акс садо

«Тошкент оқшоми», 1988 йил 23 июнь

Агар эсингизда бўлса, азиз оқшомхон дўстлар, «Она ноласи» мақоласи юзасидан редакцияга келган хатларнинг бундан аввалги обзорини Андижон шаҳридаги Тўққизариқ кўчасининг 20-«А» уйида истиқомат қилувчи врач Абдуқодир Сатторовнинг мактубидан бир парчани Сизларнинг диққатингизга ҳавола этиш билан якунлаган, шу хатнинг давомини ва бошқа эркак оқшомхонларнинг ушбу мақола хусусида билдирган фикр ва мулоҳазаларидан Сизларни хабардор этишга ваъда берган эдик. Бугун биз ана шу ваъдамизни бажармоқчимиз. Келинг, Абдуқодир Сатторовнинг хатини биргаликда ўқишда давом этайлик.

⊙ ... Ўртамизда битта фарзандимиз бор. Хотиним ўзига ўйнаш топгач, кетаман деб туриб олди. Судга ариза берди. Уришмадик, сўкишмадик, суд бизни ажратиб қўйди. Минг афсуслар бўлсинки, орамизда Турсуной каби қалби пок аёллар оз. Асқар, сен билан тенгдош бўлсам керак. Ёшим 28 да. Бундай юргандан кўра ўлганинг яхши эмасмиди, она меҳрига фарзандларингни зор қилган экансан сени фарзанд меҳри кўр қилса бўлмасмиди! Эркин, асло тушкунликка тушманг, бахтингизни менга ўхшаб меҳнатдан изланг.

«Тошкент оқшоми» газетасининг актив муаллифларидан бири, Тошкент халқ хўжалиги институти КПСС тарихи кафедрасининг ўқитувчиси, тарих фанлари кандидати Мусақул Усмонов ҳам газета мақоласи хусусида ўз фикрларини бизга ёзиб юборибди.

⊙ Мақолани зўр ҳаяжон ва алам билан ўқиб чиқдим. Газетада жуда ҳам долзарб ва айни вақтда муҳим муаммо кўтариб чиқилган. Турсунойларга ўхшаган бегуноҳ қурбонлар афсуски ҳамон ҳаётимизда учраб турибди. Ўз ҳаётига қасд қилаётган қиз-жувонлар республикамизда камаймаяпти. Бири ўзига ўт қўйса, иккинчиси ўзини сувга ташлаяпти, учинчиси эса яна қандайдир фожиали амалга ўзини гирифтор қилмоқда.

Хўш, Турсунойнинг бевақт вафотига сабаб нима? Ким ўлдирди уни? Тафсилотлар, тергов органларининг расмий ҳужжатларида Турсуной ўз жонига «қасд» қилиб оламдан кўз юмган, деган хулоса чиқарилган. Биз ушбу хулосага шубҳа билдираётганимиз йўқ, чунки юридик ҳужжатлар буни тўла исботлаб турибди. Аммо Турсунойни ана шу қўйга солган, уни ўзини ўзи ўлдиришга мажбур қилган сабабларнинг асл моҳияти бошқа томондалиги аён бўлиб қолади. Турсунойнинг қотили Асқар! Ҳа, фақат Асқар! Аввало, итоатгўй, андишали Турсунойга у оилада зуғум ўтказа бошлади, уни таҳқирлади, эзди, ҳақорат қилди. Турсуной бу ҳолатни ҳаётнинг мураккаблиги деб тушунди. Бунинг устига Асқарнинг беҳаёлиги, унинг Турсунойга қилган хиёнати чидаш мумкин бўлмаган вазиятни келтириб чиқарган ва у охирги чорани қўллашга мажбур бўлган.

Мақолани қайта-қайта ўқир экансан, бегуноҳ Турсунойларнинг бевақт ҳаётдан кўз юмишига сабабчи бўлаётган Асқарлар ҳамон жазосиз қолаётганлигидан ҳам куясан, ҳам ғазабланасан киши. Ҳозирги ошкоралик ва демократия шабадалари баралла эсаётган даврда инсон тақдирига бундай бефарқ қараб бўлмайди.

«Оқшом» редакциясига Тошкент қишлоқ хўжалик ҳунар-техника билим юртининг бир группа ўқувчилари номидан хат йўллаган Нозим Қўчқоров мақола хусусидаги кўпчилик фикрини ифодалаб, шундай деб ёзади:

⊙ Билим юртимиз ўқувчилари «Оқшом» газетасини мунтазам равишда ўқиб борадилар. Газетанинг шу йил 23 июнь сонида босилган «Она ноласи» воқеаси бизларга жуда таъсир қилди. Мақолани ҳаммамиз ўқиб чиқдик, ундан таъсирланиб, редакцияга группамиз номидан хат йўллашга қарор қилдик. Наҳотки ҳозирги фаровон турмушимизда шунчалик пасткашлик одамлар бўлса! Наҳотки Турсуной учун курашишнинг бошқа йўли қолмаган бўлса! Лекин ҳозирги бизнинг фаровон давримизда бундай аянчли, тасодифий воқеалар тез-тез учраётганлиги афсусланарли ҳолдир. Яқинда бизлар ҳам худди шундай воқеанинг гувоҳи бўлдик. Группадаги қизларнинг бири аччиқ устида, иродасизликка йўл қўйди. Лекин унинг бу ишидан яқин дугонаси хабардор бўлиб қолиб, ўз вақтида «тез ёрдам» чақирганлиги туфайли уни ўлим чангалидан қутқарди. Ҳа, ҳаётнинг аччиқ-чучук томонлари бор, унинг нотекис сўқмоқлари ҳам бор. Шу маънода «Она ноласи» воқеасининг «Тошкент оқшоми» газетасида эълон қилинганлигини биз маъқуллаймиз. Чунки бундай мақолалар ҳозирги ёшларга, яъни бизларга ҳаёт йўлларини танлашда жуда катта ёрдам беради.

Ҳурматли редакция! Сизлардан илтимос: биз, Тошкент ҳунар-техника билим юрти йигит-қизлари Сабоҳат опанинг яшаш жойи адресини бизларга ёзиб юборишингизни сўраймиз. Бизлар Сабоҳат опага ҳамдардлик билдириб, уларга қўлдан келганча ёрдам бермоқчимиз.

Тошкентлик педагог Абдусалом Иброҳимов бизга йўллаган мактубига «Бундай кимсаларга нега қонун йўқ!» деган сарлавҳа қўйган. Келинг, Абдусалом аканинг мактубидаги сатрларга кўз югуртирайлик.

⊙ «Она ноласи» мақоласини ўқиб, қалбим беихтиёр ларзага келди ва шу хусусда ўзимнинг баъзи бир фикр ва мулоҳазаларимни ёзиб юборишимни лозим деб топдим. Нималар бўлаяпти ўзи?! Наҳотки баъзи бир инсон қиёфасидаги нусхалар шу қадар тубанликка бориб етсалар, наҳотки улар ўз ҳузур-ҳаловатлари йўлида шунчалар қабиҳликка борсалар, имондан кечиб юборсалар? Ахир қўзининг оқу қорасидан айрилиб, бўзлаб қолган Сабоҳат опанинг жудолик аламидан адойи тамом бўлган қалбига энди ким даво топиб бера олади? Ахир бу аламга, бу синоатга давонинг ўзи йўқ-ку! Харидор ҳақига хиёнат қилган савдо ходими, кишига тан жароҳати етказган безори, бегуноҳ одамнинг жонига қасд қилган қотил қонун йўли билан жазоланадику. Бу тўғри ва табиийдир. Аммо Асқар каби ўз фарзандларининг онасини хўрлаб, уни бу ёруғ жаҳондан тўйдириб, дунёни кўзига тор этиб қўювчи ва қолаверса, ўз жонига қасд қилишга мажбур этиб қўювчи кимсалар учун нега қонун йўқ? Ахир бунинг қотилликдан қандай фарқи бор? Кейинги пайтларда матбуотда шундай гаплар ҳам бўлаяптики, гўё аёл киши ҳар қандай оғир вазиятдан ҳам ўзини қўлга олиб чиқиб кета олиши мумкин ва ўз-ўзига суиқасд қилишлик бу— иродасизлик белгисидир ва ҳоказо. Бу — бир томонлама тўғри фикр. Медицинада «стресс» деган ибора бор. Бу — киши сабабсиз ҳақоратланганида (ёки ногаҳоний ҳаяжон туфайли) бўладиган кучли асаб кўзғалиши деган маънони билдиради. Агар бундай ҳолат киши ҳаётида ҳар кун, ҳар соат рўй бераверса (асаби туғма бақувват кишилардан ўзга), характери заиф, асаб системаси туғма кучсиз кишиларнинг руҳиятида (ўзлари сезмаган ҳолда) салбий ўзгаришлар содир бўлади, яъни руҳий депрессия ҳолати юзага келади. Бунинг оқибатида эса астасекин ҳаётдан безиш бошланади, киши яшашдан чарчайди ва ниҳоят фожиа юз беради. Шундай экан, биз юқоридаги сабабларни ҳисобга олмай, барча айбни (ёки қисман айбни) марҳумаларнинг ўзларига агдаришимиз нотўғри ва асоссиздир. Ахир ким ҳам яшашни истамайди дейсиз. Йўқ, қачонки аёл киши ўз жонига қасд қилибдими, демак бунга қайси бир (чидаб бўлмас) оғир вазият, шароит ёки кимдир сабабчи. Дунёда энг оғир жазо — виждон азоби дейдилар. Балки, бир кун келиб Турсунойнинг ўлимига сабабчи бўлганлар виждон азобига қоларлар (балки улар учун виждон деган тушунчанинг ўзи йўқдир), аммо, менинг қатъий фикрим шу: аёл кишининг иззат-нафсини ерга уриб, уни ҳалокат ёқасига етказиб қўйган ҳудбин кимсалар албатта халқ олдида суд қилинишлари ва қилмишларига яраша жазоланишлари лозимки, токи бу ўзгаларга ибрат бўлсин.

Тошкент область, Урта Чирчиқ райони Тўйтепа шаҳридаги Островский кўчасининг 60-уйида истиқомат қилувчи Ғаффор Халиловнинг ҳам фикри ана шундай: у ҳам Турсунойнинг бевақт фожиавий ўлимига сабабчи бўлган Асқар ва унинг ота-онаси қонун олдида жавоб беришлари керак, улар қилмишларига яраша жазоланиши лозим деган фикрни илгари суради:

⊙ Сабоҳат опанинг тортган қайғу-алами, қизи Турсунойнинг бевақт вафоти ҳаммамиз учун қайғули ва ачинарлидир. Ҳа, ҳали орамизда виждон азоби нималигини, қайғу-алам, фарзанд доғи нималигини билмайдиган Асқарлар ва бундай кимсаларни ўстирган, уларга тарбия берган ота-оналарнинг борлиги ва уларнинг қабиҳлиги, инсоний хислатлардан анча узоқлиги, шахсий мулк ва бойликка ортиқча ҳирс қўйишлик, эскилик сарқитиларидан қутулолмаслик Турсуной сингари аёлларимизнинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлмоқда. Сабоҳат опанинг кўнгил косаси бир умрга синди, ойнадек чил-парчин бўлди, уни энди ҳеч ким тузата олмайди, энди унинг яккаю ёлғиз қизи — Турсунойи қайтиб келмайди. Бунга онанинг бардош бериши жуда оғир. Айниқса икки фарзанднинг нола чекиб, онаизорини қўмсаши жуда ҳам оғир. Энди уларнинг нидосини Сабоҳат опадан бошқа одам эшитмайди. Асқардек виждонсиз, ўзининг турмуш тарзини фақат бошқа бузуқ ва беҳаё аёллар билан айш-ишрат қилишдан иборат деб билган кимсалар, ҳаётимиз дарёсида пўкакдек қалқиб юрганлар афсуски учраб турибди.

Сабоҳат опага айтадиган истагимиз шуки, Сабоҳат опа, сиз ўз невараларингиз Гулноза ва Умиджонларни бағрингизга олинг, қонун сиз томонда, шу фарзандлар ёнингизда бўлса улар билан гаплашиб қайғу-аламингиз бироз бўлса-да нари кетади. Турсунойга қилган меҳрингизни невараларингиздан асло аяманг.

Тошкент шаҳрининг Ҳамза районидаги Шавкат кўчаси, 1-проезд, 33-уйда истиқомат қилувчи Улуғ Ватан уруши инвалиди Абдуфаттоҳ Садридиновнинг хатида бизнинг айрим ўзбек оилаларида ҳукм суриб келаётган ёмон бир иллат ҳақли равишда қоралаган. Отахон шу хусусдаги ўз фикрларини қуйидагича баён қилганлар:

⊙ Мақолани ўқиб жуда ҳаяжонландим. Сабоҳат опанинг қизи Турсунойнинг бевақт ҳаётдан кўз юмгани ҳақида куюниб айтаётган дил ноласи юракларни ларзага солади. Асқар ва Хажалнинг қилган муносабатларига нафратлар айтишдан бошқа илож йўқ. Сабоҳат опа яхши суриштириб қизини турмушга бермаганига энди афсусланмоқда. Бошқаларда ҳам шундай афсусланишлар бор. Фақатгина йигит ёки қизнинг ахлоқини билишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Бутун бир оила аъзоларининг ахлоқ-одобини чуқур билиш зарур. Бизда ёмон бир иллат бор: қуда бўлинадиган оиланинг таги-туги қандай, ўзига тўқми, ҳовли-жойи яхшими деб суриштирамизу, ларнинг одоби, ахлоқи масаласига эътибор бермаймиз. Аввалига Сабоҳат опа куёви Асқарнинг топиш-тутиши яхши экан, ҳамма нарса етарли, ками-кўсти йўқ деб ундан кўнгил тўлган эди. Турсунойнинг ўзи келин бўлиб тушган оиладан ранжиб, йиғлаб бир неча марта келиши ҳам Сабоҳат опани айтарли ташвишлантирмади. Ваҳоланки, Сабоҳат опа қизининг йиғлаб келиши сабабларини суриштириши керак эди. Бебилиска пуллар Асқарнинг ахлоқини ва пировард натижада яхшигина бир оиланинг бузилишига сабабчи бўлди. Ортиқча пуллар Асқарнинг хонадонини заҳарлади, енгилтак Хуршида эса Турсунойнинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабабчи бўлди. Лекин Турсуной иродасизлик қилмаслиги керак эди. Ота-оналар, қизлар, йигитлар, ортиқча бойликларга асло учмайлик! Бундай бойликлар киши бошига ташвиш келтиришини кўриб турибсиз.

Тошкент область, Калинин районидаги 10-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ўлмас Каримов редакцияга йўллаган мактубида Асқарнинг онаси Хажал хола ҳақида фикр юритган.

⊙ Қаранг, Хажал хола, неварали бўлган экансиз-а. Халқ таъбири билан айтганда «Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор». Сиз ўғлингиз Асқарни тўғри йўлга солмагансиз. Ҳар икки ёшни болам-бўтам деб, ўларга ўз вақтида маслаҳатлар бериб турганингизда оилангизда бундай фожиа рўй бермаган бўларди. Ахир катта аравaнинг катта ғилдираги қайси йўлдан юрса, кейинги кичик ғилдираги ҳам шу йўлдан юради-да. Болаларнинг тирик етим бўлиб қолишида Сиз ҳам айбдорсиз. Ҳаёт инсонга бир марта берилади, буни Сиз яхши биласиз. Умиджон ва Гулноза ҳам ўсиб-улғайганида бирор одам «Сизлар кимнинг неварасисизлар» деб сўраса, улар Сизнинг номингизни қандай қилиб тилга олишади. Оилангиздаги юз берган фожиа невараларингиз учун бир умр қалб яраси бўлиб қолди-ку.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов районидаги Форобий кўчаси, 11-тупик, 4-уйда истиқомат қилувчи Абдулла Толипов ўз мактубини шундай сўзлар билан бошлайди:

⊙ Марҳум шоир Чустий шундай сатрларни битган эди:

Оналар бир парча этни ўстириб одам қилур,
Пашша қўндирмай юзига шафқатни ҳар дам қилур.

Қаранг-а, онанинг фарзанд учун меҳрибонлигини! Агар Турсуной ҳаёт бўлганида ҳозир 26 ёшга тўлар экан. Лекин унга бу ҳаётда яшаш насиб этмади. Эсиз, Турсуной бевақт ҳаётдан кўз юмди. Шу ўринда бир ҳақли савол туғилади: маҳалла-кўй, маҳалла-участка вакили қаерда эдилар, жамоатчиликчи? Айтингчи одамлар, Гулноз билан Умиджон ўтай она Хуршидани ўз оналаридай кўришармикан? Хуршидачи? Менинг таклифим шундай: Гулноз ва Умиджон Сабоҳат хола қўлида бўлиши керак, неваралари дили армонга тўла Сабоҳат опа учун овунчоқ бўлиши керак.

Ушбу мақола юзасидан оқшомхонлардан ҳамон кўплаб мактублар келмоқда.

ИЖТИМОИЙ-МАИШИЙ ПРОБЛЕМАЛАР БЎЛИМИ.

⊙ ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАН ПАЙТДА: **Мақола юзасидан келган мактублар ичида Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 1-проезд Омонгелди 9-уйда турувчи Акбар Ортиқовдан келган хат ҳаммамизни жуда ҳаяжонлантирди. У ўз хатида қуйидагиларни ёзибди:**

«Она ноласи» мақоласини ўқир эканман, эски ярам янгиланди. Худди газета мақоласида ёзилганидек Турсунойнинг аянчли қисмати менинг қизгинам, уч ўғлимнинг ичида яккаю ёлғизим, кўзимнинг оқу қораси, белимнинг қуввати, меҳрибоним ва беозорим Марҳамат Ҳошимова қисматининг худди ўзгинаси экан. Мен ҳам «Кўкча» қабристонига келиб ҳар доим қизимнинг қабрини қучиб зор-зор йиғлайман. Бу фожиага мана уч йил бўлаётир. Менинг қизим ҳам Турсунойдек азобу уқубатда дунёдан кўз юмган эди. 4 ва 6 ёшли невараларим тирик етим бўлиб қолишди. Шу мақола газетада чиққунга қадар бундай аччиқ тақдир фақат менинг қизимнинг пешонасига ёзилган экан, пешонам шунчалик шўр экан деб юрган эдим. Лекин афсуски менга ўхшаганлар ҳаётда бор экан. Лекин мени хат ёзишга мажбур этган сабаб бошқа нарсада. Бунинг сababи сурбет куёвимдир. У ҳам қизим вафотидан кейин уйланди, болали ҳам бўлди, лекин бирор жазо олмади, ҳеч нарса кўрмагандек юрибди. Хўш, бундай ҳол қачонгача давом этади! Қачонгача Хажал хола сингари орсиз, беномус қайнаналар ҳеч қандай жазо олмайдилар...».

Биз худди шу ерда «Она ноласи» мақоласи юзасидан келган хатларга берилаётган бугунги акс садога нуқта қўямиз ва «Оқшом»нинг навбатдаги сонларидан бирида газета мақоласини ўқиб эски яралари янгиланган, ўзларининг аччиқ тақдирларидан нолиб хат йўллаган Акбар Ортиқов сингари ҳамшаҳарларимизнинг хатларини оқшомхонлар диққатига ҳавола этамиз.

Азиз АЗИЗ, Тожикистон.

Ақлли қуёнча

ЭРТАК

Бор экан-да, йўқ экан, қуён — шалпангқулоқ бор экан. Урмон мактабига қатнаб, ғамташвиш нима билмай яшаб юрганида, Тулки уни емоқчи бўлибди. Шу ниятда у шом қоронғусида қуённинг эшигини чертибди:

— Тўқ-тўқ. Эшигингни оч, исниб олай, ғилайжон.

— Очмайман! Ҳозир меҳмоним бор, — жавоб берибди Қуёнча.

— Меҳмонинг кимлигини билсак бўладими! — Қизиқибди Тулки.

— Бўри!

Тулки қўрққанидан жуфтакни ростлабди.

— Ҳой, ғилай! Совуққа қотдим, эшикни оч! — Бу сафар Бўрининг овози келибди.

— Очмайман! Меҳмонга қараяпман! — Жавоб берибди Қуёнча бепарво.

— Қанақа меҳмон! — Бақирибди Бўри.

Қуёнча эса хуррамлик билан жавоб қайтарибди: «Шахсан, шер жаноблари».

Буни эштган Бўри шу зумда кўздан йўқолибди.

Қуён энди ухлашга ётаман деганида эшиги тақиллаб қолибди.

— Эй, узунқулоқ! — Шернинг даҳшатли ўкириғи янграбди. — Эшикни оч! Исниб олай!

— Жаноблари, уйимда меҳмон бор эди...

— Ким ҳам сенга меҳмонга келарди-ки!! — Шернинг дағдағасидан хона деворлари титраб кетибди.

— О-о-одам...

Даҳшатли шер одам дарагини эшитиб, чакалакка ўзини урибди.

«Дунёдаги энг ақлли ўзимман! Энг айёр ҳам ўзимман!» — қувонибди Қуёнча.

«Оҳ, ҳозир эшигимни Одам чертиб қолса, унга нима деб жавоб бераман! Одамдан ҳам кучли яна ким бор экан-а!» — ўйга ботибди Қуёнча ва руҳи тушиб кетибди.

Албатта, ўша кеча Одам унинг эшигини тақиллатмабди. Қуёнча бўлса ҳозиргача ўз саволига жавоб тополмасмиш.

ОЛЛОЁР таржимаси.

Бувижон, ўқиб беринг

Муздек пепси-кола

ҚУПИРИБ ТУРГАН МУЗДЕК ПЕПСИ-КОЛА ИССИҚ ҚУНДА ЧАНҚОВИНГИЗНИ БОСАДИ, ТЕТИҚЛАНТИРАДИ.

Ана шу тотли, хушбўй ичимликни катталар ҳам, болалар ҳам хуш кўришади.

ПЕПСИ-КОЛАНИ ҚИБРАЙ ЧАНҚОВБОСДИ ИЧИМЛИКЛАР КОМБИНАТИ 0,3 ЛИТРЛИ ИДИШЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРАЯПТИ.

Баҳоси — 45 тийин.

Пепси-колани озиқ-овқат магазинларидан, чанқовбосди ичимликлар сотиладиган павильонлардан, фирмали «ОРОМ» магазинидан харид қилишингиз мумкин.

ҚИБРАЙ ЧАНҚОВБОСДИ ИЧИМЛИКЛАР КОМБИНАТИ.

Уч денгиз оша саёҳат

АФАНАСИЙ НИКИТИНГА ҲИНДИСТОН МУЪЖИЗАЛАРИНИ ЎЗ КЎЗИ БИЛАН КЎРИШ УЧУН УЧ ДЕНГИЗ ОША САЁҲАТ ҚИЛИШГА ТЎҒРИ КЕЛГАН. ҲИНД ХАЛҚИ ҲУНАРМАНДЛАРИНИНГ САНЪАТИ АНА ШУ МУЪЖИЗАЛАРДАН БИРИ.

СИЗГА ЭСА УЛАРНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ, КЕРАК БЎЛСА СОТИБ ОЛИШ УЧУН «ГАНГА» МАГАЗИНИГА ТАШРИФ БУЮРИШНИНГ ЎЗИ КИФОЯ.

БУ ЕРДАН СИЗ

нозик нақш билан безатилган нафис жез кўзаларни, вазаларни, шамдонларни (нархи 5 сўмдан 35 сўмгача);

ҳинд миллий орнаменти туширилган чарм буюмларни (кўзойнак учун ғилофларни) сотиб олишингиз мумкин. Нархи 16 сўм.

Замонавий мода мухлислари бўлган хотин-қизларни турли фасонда ип-газламадан тикилган, енги узун қўйлаклар шак-шубҳасиз ўзига жалб этади(нархи 25 сўмдан 70 сўмгача).

Магазиннинг адреси: Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, Марказ-14 (1, 2, 7, 14, 18-троллейбусларда, 43, 93-автобусларда бориш мумкин, «Дорихона» бекатида тушилади).

Иш вақти: соат 10 дан 20 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш куни — душанба.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ».

«ТОШКЕНТ» ФИРМАСИ ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР!

КЎЙЛАКЛАР ВА САРАФАНЛАР, ЭРКАКЛАРНИНГ КЎЙЛАКЛАРИ ВА САРАФАНЛАРИ, ТРИКОТАЖ, ПОЙАБЗАЛ, ПЛАШЧЛАР, ПАЛЬТО ВА КУРТКАЛАР, ГАЛАНТЕРЕЯ БУЮМЛАРИ, УПА-ЭЛИК ВА АТТОРЛИК БУЮМЛАРИ, РАНГ-БАРАНГ ГАЗЛАМАЛАР—БУ «ТОШКЕНТ» ЧАКАНА САВДО ФИРМАСИ МАГАЗИНЛАРИДАГИ ТОВАРЛАРНИНГ ТЎЛА БЎЛМАГАН РЎЙХАТИ ХОЛОС.

АГАР СИЗ СОВҒА ХАРИД ҚИЛГАНИ ҚИЙНАЛАЁТГАН БЎЛСАНГИЗ?

«СОВҒАЛАР» магазинларидан бирига марҳамат қилинг. Уларда ҳамиша хотин-қизлар ва эркаклар учун тайёр совға термалари бўлади.

Совға термаларини тавсия этиладиган товарлардан ўзингиз ясасангиз ҳам бўлади. Эркаклар учун кўйлаклар ва галстуклар, электр устаралар ва соқол олиш термалари, қўл ҳамёнлари; хотин-қизлар учун упа-элик, пардоз-андоз буюмлари, эсдаликлар, газламалар тавсия этилади.

АГАР ТЎЙ ТАРАДДУДИНИ ҚЎРАЁТГАН БЎЛСАНГИЗ?

Ёш келин-куёвлар учун мўлжалланган 8-«БАХТ» (Олмазор массиви, 6 ва 7-уйлар) ва 16-«СОВҒАЛАР» (Луначарский шоссеси, 123) магазинлари қатор ташвишлардан сизни холис этиши мумкин.

Ана шу магазинлардан сиз келин-куёв учун кийим-кечакларни, пойафзал, ошхона ва чой сервизларини, биллур буюмларни харид қила оласиз.

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИ:

8-магазин —Олмазор массиви, 6 ва 7-уйлар, метронинг «Ҳалқлар дўстлиги» станцияси;

12-магазин — Чилонзор массиви, — 5-квартал, 5-уй (метронинг «Ҳамза» станцияси);

16магазин — Луначарский шоссеси, 123;

1-«Ёшлар учун товарлар» магазини— Ғ. Ғулом кўчаси, 23-квартал, 41-уй;

17-магазин — Юнусобод массиви, 9-квартал, 4/5;

2-магазин — Вокзал олди майдони;

15-магазин — Авиасозлар турар жой массиви, Лисунов кўчаси, 5.

«ТОШКЕНТ» ЧАКАНА САВДО ФИРМАСИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

Спорт

Ғолиблар аниқланди

«Буревестник» теннис кортларида университетлар командалари ўртасидаги қизғин беллашувлар беш кун давом этди. Теннис бўйича универсиадада мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарлари ва республикаларидан ҳаммаси бўлиб 60 нафар спортчи иштирок этди.

Беллашувлар натижасида Ўзбекистон командаси ғолиб чиқди. Иккинчи ўринни москвиликлар, учинчи ўринни украиналик теннисчилар эгаллашди.

СУРАТДА: СССР спорт мастери Юрий Иевлев (Тошкент) ўйин пайтида.

А. Рисқиев фотоси, ЎзТАГ фотохроникаси.



Юракдаги жароҳат билан

Оренбург области. Анатолий Мельниковнинг барваста қоматини кўриб, фақат спорт ва пўлат иродагина уни инвалидликнинг мудҳиш чангалидан қутқариб қолганига, тўлақонли ҳаёт қувончини бахш этганига ишониш қийин.

Довюрак йигитчага қадрдон шаҳри Орск кўчасида ўткинчини маст безорилардан ҳимоя қилишга тўғри келди. Пичоқ зарби юрак халтачасини шикастлади. Клиник ўлим. Жароҳатдан кейинги миокард инфаркти. Врачлар довюрак йигитни нарига дунёдан қайтаришди. Касалхонадан чиқаётганда уни: зиналардан кўтарилма, оғир юк кўтарма, югурма деб огоҳлантиришди.

Анатолий шифокорларнинг ўгитларини унутгани йўқ. Унинг бевосита назорати остида дардни қадам-баҳадам енгиб борди: умумжисмоний машқлар комплексини ўзлаштирди, қайтадан тез юриб, югуриб, сакрай бошлади. У бу билан кифояланган йўқ. . . оғир атлетика секциясига қатнай бошлади.

Ҳозир «Уралпромреконструкция» трестининг монтажчиси А. Мельников атлетик гимнастика бўйича биринчи разрядга эга. У ҳаёт учун бўлган жангда ютиб чиқди, жамоат ишларида фаол иштирок этади, партияга ўтди. Таня ва Настя исмли икки қизи бор. Инсоний бахт деб шуни айтадиларда.

В. Бушухин фотоси, ТАСС.



Ўқув йили арафасида

Олти ёшлилар учун янги дарслик

Олти ёшдан бошлаб ўқитиладиган биринчи синф ўқувчилари «Русский язык в картинках» дарслигини оладилар. «Ўқитувчи» нашриёти янги ўқув йили олдидан босмадан чиқарган бу дарслик рус тили чуқур ўрганиладиган ўзбек мактаблари учун мўлжалланган. Дарсликда кўпдан-кўп расмлар берилган бўлиб, ўқувчилар ўзларининг китобларидаги севимли қаҳрамонлари ва эртаклардаги персонажлар билан учрашадилар. Бу ўқув материалини яхшироқ ўзлаштиришга ёрдам беради.

Бу йил «Русский язык в картинках» дарслигини республиканинг рус тили чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган мактаблари олади. Ўқитувчилар учун программа ва методик қўлланмалар ҳам чиқарилди. Нашриёт янги ўқув йилига салкам 16 миллион нусхада жами 102 номдаги дарсликлар тайёрлади.

Ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар

Тошкент шаҳридаги кўнгалантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасидан М. Раҳмонова бошлиқ ёшлар коллективи шаҳардаги Октябрь райони комсомол-ёшлар бригадалари орасида ўтказилган социалистик мусобақадаги ғалабаси учун олган мукофотни интернационалчи-жанг чиларга ёдгорлик ўрнатиш учун ўтказди. Бригаданинг умумий йиғилишида шундай қарор қабул қилинди.

Шаҳар комсомол ташкилоти бундай ихтиёрий тушумлардан ёдгорлик ўрнатиш фондига ҳозирдаёқ уч юз минг сўмдан ортиқ пул ўтказди.

(ЎзТАГ мухбири).

Касаллик варақаси талаб этилмайди

Тошкентдаги 21-поликлиникада профилактика бўлими очилди. Бу ерда беморларга «Сиз ўз соғлиғингиз ҳақида нималарни ўйлайсиз деган саволни беришди. Мутахассис врачлар қабулига кираётган касаллар олдинига дастлабки текширувдан ўтадилар. Айни вақтда, уларнинг ўзи махсус тайёрланган, қоғозларга ўз соғлиқлари ҳақидаги мулоҳазаларини, шикоятларини ёзадилар. Шундан сўнг врач анализ натижасини беморнинг мулоҳазалари, шикоятлари билан солиштириб, диагноз қўяди. Агар керак бўлса, беморни қўшимча текширувдан ўтказади.

Медицина кўригининг «Касмон» комплекс системаси тезлик билан, ортиқча вақт сарфламай, касалликларни аниқлашга, унинг олдини олиш ёки зарур даволаш курсини белгилашга имкон беради. Поликлиника яқин атрофдаги барча мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, саноат корхоналарига хизмат қилади. «Касмон» системасининг жорий этилиши ҳозирнинг ўзидаёқ илгарилари тез-тез касаллик варақаларини оладиган кишиларнинг сиҳат-саломатлигига самарали таъсир кўрсатди. Касалликларни эрта аниқлаш даволаш самарадорлигини анча оширди.

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ГЕОЛОГИЯ-РАЗВЕДКА ТЕХНИКУМИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ 1 СЕНТЯБРГАЧА УЗАЙТИРИЛГАНЛИГИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

геология, фойдали қазилмалар конларини ахтариб топиш ва разведка қилиш;

гидрогеология ва инженерлик геологияси; фойдали қазилмалар конларини ахтариб топиш ва разведка қилишнинг геофизик методлари; фойдали қазилмалар конларини разведка қилиш технологияси ва техникаси; электрон ҳисоблаш машиналари ва автоматлаштирилган системалар (фақат кундузги бўлимга) учун программалаштириш.

ЎЗБЕК ВА РУС ГРУППАЛАРИГА ТЎЛА ЎРТА МАКТАБНИ ТАМОМЛАГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқиш муддати — 2 йилу 6 ой.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, 95-алоқа бўлими, Олий ўқув юртлари шаҳарчаси, Қамарнисо кўчаси, 1-уй.

СССР Педагогика фанлари академияси катталар умумий таълими эксперименталь илмий-тадқиқот институтининг

КИРОВ РАЙОНИДАГИ

27-КЕЧКИ (сменали) ЎРТА МАКТАБИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БУ КЕЧКИ МАКТАБ 1988-1989 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ПРОГРАММА БЎЙИЧА ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН, 9, 10, 11-СИНФЛАРГА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Ўқиш муддати — Ўрта мактаб курси учун 2 йил.

Мактабгача ва медицина муассасаларининг ўрта маълумотга эга бўлмаган ходимлари ишлаб чиқариш таълими қўшиб олиб бориладиган ҳамда «болалар боғчаси тарбиячиси» ёки «кичик медицина ҳамшираси» малакаси бериладиган ихтисослаштирилган синфларга қабул қилинади. Шунингдек, аёллар, эркаклар ва болалар енгил кийимлари тикувчиси малакасини олишни хоҳлайдиган барча кишилар қабул қилинади.

Мактабгача муассасаларнинг йўлланмалари билан педагогик синфларга «болалар боғчаси тарбиячиси» малакасини олиш учун умумий ўрта маълумотга эга бўлган кишилар қабул қилинади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида ишлаётган умумий ўрта маълумотга эга бўлган ёшлар учун «кичик медицина ҳамшираси» малакасини тайёрлаш бўйича ҳамда айрим курслар ишлайди.

Олий ўқув юртларининг тайёрлов курсларига кирганлар учун тўланадиган ҳақ билан баравар ҳақ тўланади.

Балоғатга етмаганларни ишга қабул қилиш ёш чегараси қиқариши муносабати билан мактабда 8 йиллик синфлар ишлаб турибди. Мактабга кириш учун: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, иш жойидан справка (йўлланма) керак. Шартнома мактабда расмийлаштирилади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Справкалар учун телефон: 24-96-59.

Мактаб адреси: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, 8-квартал, 36-уй— 235-кундузги мактаб биносида (25, 28, 29-трамвайлар; 18, 24, 107, 122-автобусларнинг «Юнусобод» бозори» бекати).

СССР Педагогика фанлари академиясининг

ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ 37-КЕЧКИ ЎРТА МАКТАБИ

(Тошкент шаҳридаги Чилонзор районида жойлашган)

1988-1989 ўқув йили учун ишлаб турган ёшлардан

9-11-СИНФЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мактаб қошида болалар боғчаларининг тарбиячилари, кичик медицина ҳамширалари ва болалар овқати пиширадиган ошпазлар тайёрлаш бўйича махсус синфлар ташкил этилган.

Мактабга кириш учун: маълумоти тўғрисида ҳужжат, иш жойидан справка керак.

Махсус синфларга шаҳарнинг болалар боғчаларн ва медицина муассасаларида соҳа бўйича ишлаб турган кишилар қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Смольная кўчаси, 1-уй — 138-кундузги ўрта мактаб биносида (7, 13, 16-троллейбуслар; 2, 33, 54-автобусларнинг «Ракета» кинотеатри бекати). Телефон 77-14-54.

Киров район ошхоналар трестига қарашли

МАКТАБ-ОШХОНА

1988-1989 ўқув йили учун

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

МАКТАБ-ОШХОНА КИРОВ РАЙОНИДАГИ ЭНГ ЯХШИ ОШХОНАЛАР, КАФЕЛАРДА ИШЛАШ УЧУН III РАЗРЯДЛИ МАЛАКАЛИ ОШПАЗЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

Ўқиш муддати — 11 ой.

МАКТАБ-ОШХОНАГА 8-10-СИНФ ҲАЖМДА МАЪЛУМОТЛИ, 15-35 ЁШДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш даврида ўқувчилар таннарх бўйича овқат, махсус кийим билан таъминланадилар, шунингдек, 54—63 сўм миқдорида стипендия оладилар.

Мактаб-ошхонани тамомлаганлар III разрядли ошпаз малакаси берилганлиги ҳақида гувоҳнома оладилар.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Киров райони, Тимирязев кўчаси, 28-уй (кадрлар бўлими). Қабул 9.30 дан 18.30 гача (19, 89-автобуслар; 3, 22, 23, 29-трамвайлар, 10, 26-маршрутли таксиларнинг «Гидрометценр» бекати).

ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР «ГЛАВОХОТА» ҚОШИДАГИ «БИОЛОГ» КООПЕРАТИВИ

ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

— лаборатория ходимлари: прейскурант нархларидан анча паст баҳоларда наслсиз сичқонлар ва каламушлар, шунингдек тўғридан-тўғри марказий қўриқхоналарда ўстирилган сичқонлар ва каламушларни; қуёнлар, денгиз чўчқачалари ва Тошкент шаҳри Тошкент областида ўстирилган бошқа турдаги лаборатория ҳайвонларини етказиб беради;

— Ўзбекистон ССР «Главохота»си ёки бошқа Иттифоқдош республикалар тегишли органларининг рухсатномаси бўлган тақдирда ёввойи ҳайвонларни овлаш ва уларни истеъмолчиларга етказиб беришни таъминлаш; ҳақ — шартлашилганига кўра тўланади.

— Буюртмачининг материалидан ҳайвонларнинг ясама қиёфалари, шунингдек олдиндан берилган буюртмаларга кўра аниқ турдаги ҳайвонларнинг ясама қиёфаларини тайёрлаб беради. Ҳақ келишилганига кўра тўланади.

— қуёнлар учун тагдони бўлган 2 секцияли (110х50х50 см.) ёғоч қафаслар тайёрлаб беради. Баҳоси — 55 сўм.

Адрес: 700047, Тошкент шаҳри, 3-Жуковский тупиги, 17-уй. Телефон: 33-20-96.

Театр

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/III да **Отасининг қизи** (Бош ролда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Обид Юнусов (19.00), 31/VIII да — **«Сўнаётган юлдузлар»** (19.00).

Кино

30 АВГУСТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КИНГ-КОНГ» (16, 16.30, 18, 18.30, 21, 21.30).

Чайка — «КИНГ-КОНГ» (16, 18.30, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «СЕВГИ КУЧИ» (18, 21.00).

Москва — «КИНГ-КОНГ» 16, 19.00).

Дружба — «АЛЛО, ТАКСИ» (тоқ соатларда); «ТАБИАТ ҚАРҒИШИ» (18.00).

Нукус — «КИНГ-КОНГ» (16, 18.30, 20.45).

Восток — «ВЕЛЬД» (жуфт соатларда).

Хива — «ЭРКАКЛАР ПОРТРЕТИ» (21.40).

Ҳамза номли — «ЭРКАКЛАР ПОРТРЕТИ» (17, 20.00).

Искра — «ВЕЛЬД» (жуфт соатларда).

С. Раҳимов номли — «АМАДЕЙ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

31 АВГУСТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КИНГ-КОНГ» (11, 11.30, 13.30, 14, 16, 16.30, 18, 18.30, 21, 21.30).

Чайка — «КИНГ-КОНГ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «СЕВГИ КУЧИ» (12, 15, 18, 21.00).

Москва — «КИНГ-КОНГ» (13, 16, 19.00).

Дружба — «АЛЛО, ТАКСИ» (тоқ соатларда); «ТАБИАТ ҚАРҒИШИ» (12, 18.00).

Нукус — «КИНГ-КОНГ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Восток — «ВЕЛЬД» (жуфт соатларда).

Хива — «ЭРКАКЛАР ПОРТРЕТИ» (21.40).

Ҳамза номли — «ЭРКАКЛАР ПОРТРЕТИ» (11, 14, 17, 20.00).

Искра — «ВЕЛЬД» (жуфт соатларда).

С. Раҳимов номли — «АМАДЕЙ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ КОРХОНАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИНИНГ

РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Госснабининг

ТОШКЕНТ ШАҲАР МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШ ТЕРРИТОРИАЛ БОШҚАРМАСИ (Ташторглавснаб)

маҳсулотнинг марказлаштирилган тақсимот турлари юзасидан 1988 йил нарядлари бўйича

РЕСУРСЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН ТУЗИЛГАН ШАРТНОМАЛАРНИ 1989 —1990 ЙИЛЛАРГА ҲАМ УЗАЙТИРИШНИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ

Шу билан бир қаторда, эслатиб ўтамизки, 1989 йилдан бошлаб СССР Госснаби бевосита лимитсиз буюртмалар учун моддий-техника ресурсларининг катта қисмини ўтказди.

Бу бевосита истеъмолчи корхоналар ва маҳсулот етказиб берувчи корхоналар ўртасида маҳсулот етказиб бериш учун планда белгиланган актларни расмийлаштирмасдан тузиладиган шартномаларга таллуқлидир.

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700096, Тошкент шаҳри, Ғ. Ғулом кўчаси, 6-уй. «Ташторглавснаб» Справкалар учун телефонлар: 78-87-59, 78-92-58, 78-33-45, 78-77-37.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигининг

СТЕНОГРАФИЯ ВА МАШИНКАДА ЁЗИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КУРСЛАРИ

КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ БЎЛИМЛАРИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курслар ўзбек ва рус тилларида замонавий ишлаб чиқариш асосларини биладиган секретар-стенографистка л а р ва секретарь-машинисткалар тайёрлайди.

Курсларга йилига икки марта:

декабрь — январь ойларида (машғулотлар — 1 февралда бошланади);

август ойида (машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади) **ўқувчилар қабул қилади.**

Справкалар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй, Бешёғоч, Ленин комсомоли номидаги Марказий маданият ва истироҳат боғи ёнида.

Қабул ҳар куни соат 10 дан 22.00 гача.

Телефон: 45-62-52.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р — 14106. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 17.30 да қўл қўйилган. [График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим]. А. 2164. Тиражи —108.220 Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.